

Mustahkam oila – yurt tayanchi

ОИЛА ДАВРАСИДА

№ 8-9
(406-407)
7-may
payshanba

www.od-press.uz

naviy-ma`rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

AGIBAYUVA



КАРАНТИН

ЕНГИЛЛАШАДИ
рухсат, имтиёз, имкон
3-бет



ҚИҶФИР ИШЛАР

**ВИЖДОНДАН
БОШЛАНГАНДА**

6-7-бетлар

ЎҚ ЁМФИРИ ОСТИДА
госпиталда кўз очган
аскар
4-бет

ПАНДЕМИЯДАН СЎНГ...
Бизни нима кутмоқда?
5-бет

«ТОМОРҚАГА ЖАРИМА»
муаммога ечим бўладими?
9-10-бетлар

«Оила даврасида» газетасига
2020 йил ОБУНА
учун

Обуна индекси — 193

ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Оила даврасида» — энг арзон, энг қизиқarli ва оилангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!




Шавкат МИРЗИЁЕВ:

СУВ ТОШҚИНИ БИЗ УЧУН АЧЧИҚ САБОҚ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 май куни ўтказган видеоселектор йиғилишида Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган фавқуллодда ҳодисаларга алоҳида тўхталиб ўтди, дея хабар берди ЎЗА.

Маълумки, 27 апрель кечаси Бухоро вилоятида, айниқса, Олот ва Қорақўл туманларида табиий офат юз берган эди. Йиғилишда қайд этилишича, вилоят бўйича 38 мингдан зиёд аҳоли хонадонларига, 847 та ижтимоий соҳа объектига, экин майдонларига зарар етган. Қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма соҳалари жиддий талафот кўрган.


– Биз табиий офат оқибатларини бартараф қилиш бўйича барча зарур чораларни кўряпмиз. Хукумат комиссияси туну кун ишламоқда. Бугунгача 70 фоиз ижтимоий объектлар, 20 фоиз аҳоли хонадонларининг томи ёпилиди. Шунингдек, 5 минг километр электр тармоқлари, 1 минг 100 та трансформатор таъмирланиб, 286 минг аҳолининг электр таъминоти тикланди. Яқка тартибдаги уй-жойлар ҳам таъмирланмоқда, – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омборида содир бўлган фавқуллод ва-

“Бу ҳудудлардаги одамларнинг ҳаётини нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки уни янада яхшилаш керак. Уларга янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиб, янги иш ўринлари яратиб беришимиз шарт! Давлатимиз, жамиятимиз ҳеч кимни бундай қутилмаган фалокатлар қаршисида ёлғиз ва эътиборсиз қолдирмайди”.

Бугунги кунда қатор маҳаллаларда кенг қамровли тозалаш-тиклаш ишлари амалга ошириляпти, натижада 53 мингдан зиёд аҳоли ўз уйларига қайтиши ёки яқин қариндошлари уйига қўчиб ўтиши таъминланди.

Одамларимиз ҳаётини сақлаб қолиш ва эвакуация қилишда Фавқуллодда вазиятлар, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари муҳим роль ўйнади. Бугунги кунда улар авария ва тиклаш ишларига кенг жалб этилган.



бати, бағрикенглиги, буюқ саховатини ҳар куни, ҳар дақиқада намоён этмоқда. Буни Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидан кўчирилган фуқароларнинг 81 фоизини Сирдарё, Жиззах ва Топкент вилоятлари аҳолиси ихтиёрий равишда ўз хонадонларига жойлаштиргани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Бошқа вилоятлар, вазирлик, компания ва уюшмалар, аҳолигимиз томонидан қиска вақтда Бухоро ва Сирдарёга ёрдам бериш учун қатта миқдордаги ҳомийлик маблағлари ўтказилди, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва рўзгор буюмлари юборилди.

Давлатимиз раҳбари жабр кўрганларга ёрдам кўрсатаётган бағрикенг, саховатпеша ва ҳамдард халқимизга яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этди.

“Ҳеч қандай ортиқча гап-сўзларга ва миш-мишларга ўрин бўлмаслиги лозим. Менинг топширигимга кўра, ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органлар томонидан сув тошқини билан боғлиқ воқеа юзасидан объектив, ҳолис ва кенг қамровли тергов ҳаракатлари бошланган. Халқимизни ишонтириб айтман, тергов яқунлари бўйича барча айбдорлар, ким бўлиши ва эғаллаб турган лавозимидан қатъи назар, қонун олдида жавоб беради”.

– Бу сув тошқини биз учун аччиқ сабоқ бўлди. Шу сабабли сув омбори масаласида биз халқаро экспертларни жалб этган ҳолда тўғоннинг барча дамбаларини чуқур экспертизадан ўткази-

миз. Фақат шундан кейингина яқуний ҳулосага келамиз. Шунингдек, менинг топширигимга биноан ҳозирги кунда тегишли давлат органлари томонидан кучли ёғингарчилик сабабли эрозия юзага келиши мумкин бўлган барча гидроиншоотлар, тўғонлар ва ГЭСларда текширув ишлари олиб борилмоқда, – деди Президентимиз.

Сардобадаги офат натижасида бизга чегаралош бўлган Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти Мақтарал туманининг айрим аҳоли пунктларини ҳам сув босди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқоев билан телефон орқали бу масала ўзаро тушуниш ва очиклик руҳида атрофлича муҳокама қилиб олингани, куни кеча Туркистон вилояти ҳокими Умирзқок Шукеев бошчилигидаги делегация воқеа жойида бўлиб, вазиятни ҳар томонлама чуқур ўрганганини қайд этди.

– Биз қардош қозоқ халқи билан азал-азалдан бир дарёдан сув ичиб, ўзаро қанда-анда бўлиб, эт билан тирноқдек яқин бўлиб яшаганмиз. Қувончли кунларда ҳам, синовли дамларда ҳам ҳаминша бир-биримизга елкадош бўлиб, қўллаб-қувватлаб келганмиз.

Ушбу қутилмаган техноген офат нафақат аҳолигимизга, балки қўшни қозоқ биродарларимизга ҳам ортиқча ташвиш ва зиён етказганидан жудаям хижолатдамиз. Уларнинг аҳоли яшаш жойлари ва экин майдонлари зарар кўрганидан, албатта, биз жуда афсусдамиз.

Хукуматимиз, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа мутасадди ва мутахассислар қозоғистонлик ҳамкасблари билан биргаликда табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича, албатта, яқиндан ҳамкорлик қилади, – деди Шавкат Мирзиёев.



зият юзасидан ҳам атрофлича маълумот берилди. Сув омборида содир бўлган фалокат туфайли Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 24 та маҳалладан 90 мингга яқин фуқаро зудлик билан хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинган. Уларнинг барчасига биринчи даражали зарур шароитлар яратилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказилмоқда.

– Сув тошиши оқибатларини бартараф этиш ва сабабларини ўрганиш бўйича Хукумат комиссияси ишламоқда. Зарар етган уй-жойларни тиклаш ва таъмирлаш, одамларни ўзининг тикланган уйига қайтариш ва рўзгорига ёрдам бериш, инфратузилмани тиклаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича барча масалалар ҳал қилинмагунча Сирдарёга бириктирилган ҳар бир раҳбар кучайтирилган сафарбарлик режимида ишлайди, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Афсуски, ҳозиргача 4 нафар фуқароимизнинг табиий офат оқибатида ҳалок бўлгани, 1 нафари бедарак йўқолгани аниқланди. Жумладан, аҳолини хабардор қилиш ва қутқарув ишларини олиб бориш жараёнида Миллий гвардиянинг 2 нафар ходимини кучли сув оқими олиб кетган. Улар ўз жонини фидо қилиб, юзлаб, минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолишди.

Президентимиз ҳалок бўлганларнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

– Бухоро ва Сирдарёдаги офатлар Яратганининг бизга юборган синовиди. Бунга сабр қилишимиз, қаттиқ меҳнат билан, биргаликда ёруғ юз билан ўтишимиз керак. Ушбу қийинчиликларга қарамай, халқимиз бу синовлар олдида ўзини йўқотиб қўймаганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мана, «ойнаи жаҳон» орқали кўряпсизлар, халқимиз янада бирлашиб, ўзининг меҳр-оки-



БИТТА ДАЛДА ИЛИНЖИ

« Кишлоғимизга сел келгани эсимда. Жуда кўп уйлар талафот кўрганди ўшанда. Лойли сув уйлар ичкарасигача кириб борган, ошхонаю ертўлалар тўлганди. Ҳаммаэкин-тикиндан бутунлай айрилганди. Лекин ўшанда ҳеч бўлмаса вилоят ёки туман каттаконларидан кимдир келиб жабрдийдаларга ёрдам бергани ёки офатни бартараф этиш жараёнининг тепасида турганини билмайман...

Сардобадаги фалокатни бартараф этишга, олдинроқ эса Бухорода юз берган тўфон жабрланувчиларининг хузурига зудлик билан шахсан Президент Шавкат Мирзиёвнинг ўзи етиб боргани бежиз эмас. Ўша ердаги инсонлар – ўз уйини, кадрдон гўшасини ташлаб чиқишга мажбур бўлган жавдираган қора кўзларда чексиз саволлар зуҳур этганди: «Энди ахволимиз нима бўлади? Энди қандай яшаймиз? Болаларимизнинг тақдирини-чи?»

Президент ўзининг ташрифи, вайрон бўлган уйларгача кириб бориши билан ана шу кўзларда умид учкунини ёқди. Жабрланган инсонларнинг ҳар бири ёнида мамлакат раҳбарининг ўзи турганини, ҳеч қачон эътиборсиз қолмаслигини аниқлади. Уларнинг кўнглида катта умид учкунлари порлаганига шубҳа йўқ.

Мана, неча кундирки Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудидан «Мехр ва кўмак» қарвони Сардоба томон тўхтовсиз келяпти. Бунинг учун кимдир буйруқ бергани ёхуд мажбурлагани йўқ. Ҳамма ўзининг қалб амри билан баҳоли қудрат кўмакка шошиляпти. Бу ҳам ўзбек халқининг минг йиллик кадриятлари ифодаси аслида.

Сув босган ҳудуднинг юқоридан олинган суратлари ҳаммани ларзага келтирди. Ўша сув остида қолган уйларни кўриб ҳаммамиз ҳам юрак-юракдан ачиндик. Энди



ўша хонадонлар, оилалар тақдирини, ўша одамлар ҳаёти учун масъул бўлган инсоннинг ҳаёлидан нималар ўтганини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Вертолётдан пастга тикилар экан, бу вазиятда қандай қилиб уларга умид берадиган бир сўз айтиш, қандай қилиб руҳиятини озгина бўлсада

кўтариш орқали уларга далда бўлиш ҳақида ўйлаган бўлса, ажаб эмас.

Мамлакат раҳбари «Ўйин ҳам қуриб берамиз, молни ҳам топиб берамиз. Жонларинг соғ бўлсин!» деган гапларни шунчаки айтмади. Бу гап жабрдийда одамлар, жавдираб турган нигоҳлар учун жуда қимматли эди. Руҳлантирувчи куч бор эди бу сўзларда. Чунки халқимиз «Мол аччиғи – жон аччиғи» деб бекор айтмаган.

Бугун Сардоба ахлининг жабр кўрган одамлари ҳаётини изга солиш, уйларни тиклаш борасида жуда кўплаб тақлифлар, ташаббуслар айтилмоқда. Бир гуруҳ ёшлар кўнгилли равишда кутқарувчи бўлиб бормокчи эканини айтган бўлса, яна бир гуруҳ кишилар вайрон бўлган уйларни тиклашга ҳашарга боришини

асстойдил билдирипти. Энг асосийси, ҳамма бир-бирини қўллаб-қувватляпти. Бирдамлик ва аҳиллик сезилмоқда. Мана шу ҳолатни кўриб, тўғриси, шу халқ ичида эканимдан фахрландим.

«Уч кун, тўрт кундан бери ҳаммамиз мана шундай безовталикка тушиб қолдик. Бошимизга катта қулфат берди.

Албатта, буни ҳали кўп-кўп таҳлилини қиламиз. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз гапларини айтади. Ҳамма чора-тадбирларимизни қиламиз...

...Қандай қийин бўлмасин, мана, ўзларинг кўрдиларингки, сизлар бир ўзларинг эмассизлар. То яшаган шароитларингни тўғриламагунимизча, бу ерни, сизларни ташлаб кетмаймиз...

...Сизлар тинч, мен тинчман, сизлар бор, мен борман!..»

Президентнинг мана шу сўзларидан каттик таъсирландим.

...Ўшанда. Кишлоғимда уйлар вайрон бўлганда, йиғлаган аёллар чиркираган болаларни кўрганимда, одамлар зах уйларда яшашга мажбур бўлганида бола қалбимда ана шундай сўзларни кимдандир эшитишни жуда-жуда интиқиб кутганим ўшанда.

Салоҳиддин ЗАЙНИДИНОВ

КАРАНТИН ЕНГИЛЛАШАДИ

« Эпидемиологик вазият яхши бўлган ҳудудларда, санитария талабларини белгилаган ҳолда, ноозиқ-овқат дўконлари, тиббий диагностика, такси хизмати, таъмирлаш, тикувчилик, маиший техника ва пойабзал тузатиш, сартарошхоналар фаолиятига рухсат бериш кераклиги қайд этилди. Шунингдек, стикерлар бекор қилиниб, шахсий автомобиллардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 5 май куни карантин шароитини янада енгиллаштириш ва иқтисодий фаолиятни қайта тиклаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айтилди.

Мамлакатимизда эпидемиологик вазият ижобий томонга ўзгаргаётгани боис 22 апрелдан карантин шароити босқичма-босқич юмшатила бошлаган эди. Бу ишларни изчил давом эттириш мақсадида жойлардаги вазият ўрганилди. Ҳар бир тармоқ ва ҳокимликлардан асосланган тақлифлар олинди.

Ҳозирда фаолияти тикланган саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларига кўшимча равишда хизмат кўрсатиш субъектлари ҳам босқичма-босқич ишга туширилиши белгиланди.

Коронавирус тўла бартараф бўлмагани сабабли, одамлар кўп тўпланадиган объектлар, жумладан, театр, концерт ва спорт заллари, тўйхоналар, жамоат транспорти бўйича чекловлар маълум муддатгача сақланиб қолади.

Республика комиссиясига хизмат кўрсатиш турларини қайси ҳудудларда ва қандай шартлар асосида йўлга қўйишни белгилаш топширилди.

– Эпидемиологик вазият яхшилангани сари чекловларни бекор қилишни давом эттирамиз. Аксинча, вазият ёмонлашса, карантин чораларини қайта тиклаймиз, – деди Шавкат Мирзиёев.



Корхоналар барқарор ишлаб кетиши учун уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Унга кўра:
– тўқимачилик корхоналари ва кластерларини янада қўллаб-қувватлаш, маҳсулот рақобатдошлигини ошириш мақсадида хомашё нархини 10 фоизгача пасайтириш имкониятини берувчи халқаро биржа нархларига ўтилади;
– 1 апрелга қадар ички бозорда сотилган пахта толаси учун якуний тўлов муддати 90 кундан 150 кунгача узайтирилди;
– тўқимачилик корхоналари экспорт қилган маҳсулот республикадан чиқиб кетиши билан қўшилган қиймат солиғи тўлиқ қайтарилади;

– соҳа учун муҳим бўлган 64 турдаги хомашё ва материаллар боғжона божидан озод қилинди.

Шунингдек, тайёр маҳсулот экспортини кескин кўпайтириш, йирик, камида мингта одам ишлайдиган, халқаро бренд остида ишлаб чиқарувчи замонавий йирик тўқимачилик ва тикув кластерларини барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам қабул қилинди.

Унга мувофиқ, ташиш харажатлари учун субвендия бериладиган маҳсулот турлари ҳозирги 52 тадан 86 тагача кўпайтирилди. Бу рўйхатга 32 турдаги сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳамда ҳўл, музлатилган ва консерваланган мевалар қўшилди.

МАЪЛУМОТ

Европа Иттифоқининг бешта давлатида пандемиягача иш фаолиятида бўлган ўттиз миллиондан ошиқ одам ишсизлик нафакаси учун ариза беришган.

«Financial Times»

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ЎҚ ЁМФИРЛАРИ ОСТИДА ЎТГАН КУНЛАР...

Инсоният бошига беҳисоб офатлар олиб келган иккинчи жаҳон уруши тугаганига ҳам бу йил 75 йил тўлади. Осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз тинч, осуда. Уйлар қураимиз, тўйлар қиламиз, фарзандларимизни ўқитаемиз, тинч ухлаймиз, ҳаловатимизни ҳеч ким бузмайди.



Биз бугунги доруломон кунларга етишимизда кимларнингдир беҳисоб ҳиссаси, кимларнингдир беминнат хизмати борлигини, тинч ҳаётимиз учун ўз жони, ҳаётини баҳшида этганини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Менинг бобом Ҳақберди Каримов ана шундай инсонлардан бири эканидан фахрланаман. Бобом ҳақида ўйлаганимда одамлардан ёрдамни аямаган, уларга кўпроқ нафим тегсин, деб яшаган камтарин инсон кўз олдимда гавдаланади. У киши билан ҳамсухбат бўлган одам ҳаёт мазмунини тийранроқ хис этар, кўнглида эзгу ниятларга рағбат сезарди.

Худди кечагидек ёдимда, Ўзбекистон Миллий университетга ўқишга кирганимни эшитиб, «Менинг қизим эл-юртга хизмат қиладиган, унинг қорига ярайдиган инсон бўлади» деб ёш боладек қувонгандилар. Бугун шу кунларни эсласам беихтиёр кўзларимга ёш калкийди. Орадан шунча йил (*қарийб 20 йил*) ўтиб одамийликни улғулаб яшаган бобожонимни хотирлаб, соғинч хисси билан қўлимга қалам олишга аҳд қилдим.

Бобом Ҳақберди Каримов ҳамюртлари хотирасида ҳалол, ҳаққўй, қатъиятли, халқ манфаати йўлида ўзини аямайдиган фидойи инсон сифатида муҳрланиб қолган. Ҳали-ҳануз Нарпай туманига бирор-бир иш билан бориб қолсам «Сиз Ҳақберди Каримовнинг невараси бўласизми? Эҳе, у кишининг қилган яхшиликларини халқ хали ҳам гапирарди» деган тавсифларни эшитиб кўнглим кўтарилиб, гурурланиб кетаман. Элининг бу эътирофи у кишининг ҳаёти бесамар ўтмаганлигидан далолатдир.

Бобом Ҳақберди Каримов 1923 йилда Нарпай туманининг «Бойғозон» қишлоғида олдий меҳнатқаш оиласида туғилиб вояга етди. У киши туманимиз фахри бўлган марҳум Бектош Раҳимов, Суюн Тўхлиев каби тенгдошлари билан Мирбозор қўрғонидаги 17-умумтаълим мактабини битирди. Мактабни битириш арафасида иккинчи жаҳон уруши бошланди. Бобожоним ҳам тенгдошлари қатори ватан ҳимоясига отланади.

Орадан шунча йиллар ўтсада, ўша давр хотираларини эслаш азоб, лекин уни ўчириб ҳам бўлмайди. Бобом қабиларнинг бебаҳо ёшлиги чекига ватанини ҳимоя қилишдек муқаддас бурч тушган экан. Мен урушнинг муҳим тасвирини бобом ҳикояларидан англаганман. У қаби йигитларнинг энг гуллаган йигитлик даврини ўғирлаган, ёш келинчақларнинг эрта бева бўлиб қолиши, но-расида гўдақларнинг етим бўлиб бўзлаб қолишини кўз олдингизга келтиринг. Оналарнинг илҳақ бўлиб йиллаб йўл пойлагани, оталарнинг пинҳона тўққан алам кўз ёшлари, фронтда жон олиб жон бераётган ўғлонлар тақдирини, фарзандларининг соғ-саломат келиши учун борини аямаган, дуога қўл очиб турган ота-оналар сиймоси...

Мана сизга уруш тасвири. Ҳар гал галаба байрами келганда уруш давомида олган орден медаллари йилига бир марта кўксини безарди, турли учрашув ва талбирларга чорлашарди. Хотиралар ҳам беихтиёр жунбушга келар, ҳаёллар ўша дамларга қайтар, биз набиралар эса ёшлик қизиқувчанлиги билан унинг кўксидagi орден медалларига қўл текизиб, буни қандай олгансиз, айтиб беринг, деб қистар эдик. Бобом бизларга узоқ термулиб, хўрсиниб қўярди. Энди билсам, ўша биргина хўрсиниш замирида урушнинг нақалар муҳим эканлиги, уни хотирлаш эса унданда азоб экани мужассам экан. Шундай бўлсада, биз невараларни ранжиттиси келмас, муҳим уруш ва унинг аянчи йиллари ҳақида сўзлаб берарди:

«Мен урушга 18 ёшга тўлганимда кетганман, – дея хикоя қиларди бобожоним. – Дастлаб Шимолий Кавказ, кейинчалик Беларусь фронтлари қўшини таркибида фашист босқинчиларига қарши курашдим. Ҳар бир кунимиз ўқ ёмғирлари остида ўтган. Ногаҳон узилган дайди ўқ ҳам инсоннинг умрига зомин бўлиши мумкинлигига гувоҳ бўлганман. Бир жангда бизнинг ротамиз ўта муҳим бўлган жойни эгаллаши лозим эди. Душман ҳам бўш келмасди. Бизнинг рота ботқоқлик томонга чекинди. Жанг бир ой давом этди ва шу бир

ой давомида белимизгача сувга ботган ҳолда жанг қилишга тўғри келган. Пайтаваларни ечиб қуритишга ҳаттоки имкон бўлмаган. Дўстим Николай билан ярим тунда душман ДЗОТ (*Деревоземная огневая точка*)ни яксон қилишга аҳд қилдик. Ярим тунгача рота командири билан бу ишнинг режасини тузиб чиқдик ва тонга яқин душман ДЗОТни томон эмақлаб кетдик.

Ҳар биримизнинг қўлимизда бир шодадан гранаталар бор эди. Биз уни белгиланган нуқтага етгач улоқтирдик. Кучли портлаш натижасида душман ДЗОТни йўқ қилинди. Кўзимни очганимда харбий госпиталда эдим. Душман ДЗОТни портлаган вақти тупроқ уюми мени босиб қолган, тупроқ уюми остидан фақат этгим кўриниб қолган. Куролдош дўстларим мени тупроқ уюми остидан чиқариб олишган ва харбий госпиталга олиб боришган. Ушбу жангдаги жасоратим учун «За освобождение Кавказа» медали билан тақдирланганман. Бу биргина воқеа. Урушнинг ҳар бир кунини эса шу қаби воқеалар гирдобиде кечганлиги сизларга эртакдек туюлар балки. Кўз олдинда энг яқин куролдош дўстларингдан айрилишни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Урушнинг номи ўчсин, болаларим. Шу тинчлик кунларининг кадрига етиб, шукроналик хисси билан яшаш бахтига не етсин. Бизлар бу урушни кўрдик, сизлар эса ҳеч қачон бундай кунларни кўрманглар, азиз болаларим!»

Бу хикояларни айтиш бобожонимга нақадар оғир бўлганини ўша пайтларда биз сезмаган эканмиз. Улғайиб, оку қорани танганимиз сайин буни теранроқ англаб етаямиз...

Ғалаба кунини бобом Польшада кутиб олган экан. Уруш тугагач, у киши яна 4 йил ички ишлар халқ комиссарлиги (*НКВД*) иктиёридаги қўшинда Руминия, ГАРбий Украинада хизмат қилган. Лейтенант унвонига сазовор бўлган бобом кўп машаққатлар чеккан, бир марта контузия, икки бор оғир ярадор бўлган.

1949 йил урушдан қайтгач, биров вақт туман ёшлар ташкилотига раҳбарлик қилган. Кейин Тошкент шахрига, олий партия мактабига ўқишга юборилган. Ўқишни тамомлагач, туман партия қўмитасида масъул лавозимларда ишлаган. 1971 йилда туман халқ назорати қўмитаси бошлиғи этиб тайинланган. Ҳақберди бобом ушбу лавозимда ҳалол ва қатъият билан ишлаб халқ мулкини талон-тарож қилиниши, исроф этилиши, ўғирликка қарши аёвсиз курашарди. Халқнинг ишончини қозонади.

Бобом ҳақида гап кетганда у кишини билганлар, бирга ишлаганлар: «Шундай лавозимларда узоқ йиллик ишлаган бўлса ҳам Ҳақберди ака бир умр олдий яшади. У киши на уй, на машина олди, на бошқа бир манфаат қўрди...» дейишарди. Аслида у кишининг элда обрў-эътибор қозонганининг боиси ҳам ана шу камтарлиги, сабр-қаноатлилиги, ҳалоллиги эди.

– Э, болаларим, мен харомнинг кетидан қувганимда қатта мол-дунё эгаси бўлишим мумкин эди. Лекин виждоним олдида, одамлар олдида нима деган одам бўлардим, – деб қўп бора



ўз фарзандларига таъкидлаганларини эшитганим.

Бобом Ҳақберди Каримов Жангил момом билан қўшақариб 9 нафар фарзандни воёга етказиб ўқитди, уларни маърифатли, маънавиятли қилиб тарбиялади, элга қўшди. Бу жуфтликнинг дунёга келиб орттирган бойликлари шу фарзандлари, элда топган обрўлари бўлди. Фарзандлари ҳам ота-онасига муносиб тарзда яшаб меҳнат қилмоқда. Уларнинг ортидан бораётган 28 набира бугунги кунда халқнинг хизматига қамарбаста бўлиб, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Ибратли умр деганлари шу бўлса керак-да.

Бобом жуда маърифатли инсон бўлган. Ўз наватига илмли инсонларни хурмат қиларди. Бугун у кишидан қарийб икки минга яқин турли мавзудаги сиёсий, бадиий китоблар бизга мерос бўлиб қолган. Бобом гапирганида ўқиган китобларидан иктибослар келтирар ва сўзларида ўзига хос ҳикмат мужассам бўларди. Ҳаттоки, 80 ёшдан ошганларида ҳам мактаб даврларида ёд олган Муқимийнинг «Саёҳатнома»сини мукамал тарзда ёддан айтиб берарди. Бу ёшда асарни ёддан билиш чуқур хотирага, теран фикрга эга кишиларга насиб этса керак. Бобом лоқайдликни, бепарволикни ёқтирмасди, дунёдаги бўлаётган сиёсий жараёнлардан хабардор бўлиш мақсадида ҳар йили турли номдаги газеталарга обуна бўларди. Юқсак маънавият тушунчасини бобомдан ўрганганман.

Бобом нарпайликлар фахри, ифтихорига айланганди. У киши сазовор бўлган Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Биринчи даражали Ватан уруши» ордени, «Жасорат», «Шавкатли меҳнати учун» медаллари, яна бир қанча нишонлар фидокорона ҳалол меҳнати муносиб тақдирланганлигидан далолатдир. Бундай инсонлар халқ хотирасидан асло ўчмайди. Шу ўринда шоир Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисралари, назмидан, бобом қаби инсонларга бағишланган бўлса ажаб эмас:

...Қирқ йиллик адоват унутилар секин,
Унутилар ҳатто юракдаги дарз,
Яхшиларнинг меҳри унутилмас лекин,
Унутилмас улар олдидаги қарз.

Дилдора КАРИМОВА,
Марказий қон бошқармаси
Ахборот хизмати муҳаррири

Пандемиядан сўнг...

Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси билан боғлиқ вазият тобора яхшиланаяпти. Айрим ҳудудларда карантин билан боғлиқ чекловлар юмшатишмоқда. Лекин ушбу касалликка бутунлай барҳам берилгунча барча бирдек ҳушёрликни йўқотмаслик, белгиланган қоидаларга сўзсиз амал қилиш талаб этилади.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги штабида ўтказилган навбатдаги брифингда Бош давлат санитария инспектори Нурмат АТАБЕКОВ қўшничиликни қизиқтирган қатор саволларга жавоб берди.



– Карантиндан кейин, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар туфайли (туризм, халқаро юк ташиши, қатновлар) мамлакатимизга халқаро қатновлар – йўл транспорти (автомобил, поезд ва самолёт) орқали яна кирди-чиқди бошланади. Шу муносабат билан мамлакатимизда қандай эпидемиологик тартиб-қоидалар ўрнатилади? Шу масала бўйича халқаро тажриба ўрганиляптими? (Балки виза олишга ариза берганлардан уларни бирорта вирусга чалинмаганини текшириш каби баъзи давлатларда бўлганидек талаб қўйилиши керакдир?)

– Тўғри, карантин тугагандан кейин, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар яна изига тушиб кетади. Мамлакатимизда автомобил, поезд ва самолётлар орқали халқаро қатновлар, борди-келдилар бошлаб юборилади.

Коронавирус касаллигининг республикага кириб келиши, тарқалиши билан боғлиқ ҳолатлар чуқур таҳлил қилинади. Мавжуд меъёрий ҳужжатлар, жумладан санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирлар, санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлар қайта кўриб чиқилади.

Албатта халқаро тажрибалар ҳам ўрганиб чиқилади. Балки, дастлабки даврда фақат коронавирус йўқлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлсагина, виза бериш тизими жорий қилинади.

Буни эса вақт ва эпидемик вазият кўрсатади.



– Карантиндан кейин, одамлар одатдаги турмуш тарзига қайтишидан аввал жамоат жойлари – аэропортлар, вокзаллар, бозорлар ва дўконлар, оммавий ошхоналар, мактаблар, боғчалар ва шифоналар график асосида дезинфекция қилинадими? Ва кейинчалик ҳам мана шу объектлар мунтазам дезинфекция қилиниб туриладими?

– Тўғриси айтиш керак, биз дезинфекция, дезинсекция, дератизация каби тадбирларни унутиб қўйи дегадлик. Ўзи дезинфекция борасида профилактик дезинфекция, ўчоқли дезинфекция, жорий дезинфекция ва якуний дезинфекция деган тушунчалар бор.

Ҳозир амалга ошириляётган дезинфекция тадбирлари жорий дезинфекция тадбирига қаради. Карантин тадбирлари тугаши даврида якуний дезинфекция ишлари ҳам ўтказилиши керак ва шарт.

Бундан кейин эса нафақат дезинфекция ишларига, балки, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш масаласи эндиликда кўндаланг туради.

Биз доимо покизаликни, саришталликни, саранжомликни, тозалликни ҳуш кўрган халқ вақилимиз. Бу каби тадбирларга риоя этиш бизнинг урф-одатларимиздан муносиб ўрин эгаллаган.



– Карантиндан кейин ветеринария хизматлари ва ходимлари иш фаолиятига ҳам янгича тартиб-қоидалар киритилладими? Чунки улар бевосита ҳайвонлар билан контакта киришадиган касбий фаолият ҳисобланади?

– Бизнинг юртимизда коронавирус касаллиги вируси учраши мумкин бўлган итлар, мушуклар, чўчкалар, паррандалар, юнги учун етиштириладиган ҳар хил кемирувчи ҳайвонлар, кўршапалакнинг маълум бир турлари учраб туради.

Биз уларнинг барчасини истеъмол учун ишламасак-да, уларни сақлаш ва парвартиш шароитини мунтазам ўрганиб бориш, уларга хос бўлган юқумли касалликка чалинганларини доволаш, эпизоотиянинг олдини олиш, профилактик эмлаш ишларини амалга ошириш билан шугулланувчи ветеринария шифокорлари бор.

Албатта бу каби пандемия барча соҳага, хусусан, ветеринария соҳасининг ҳам меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиши ва ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, қайта ишлаб чиқишини тақозо этади.

МАЪЛУМОТ

Европанинг иккинчи йirik порти Антверпен (Бельгия) минглаб порт ишчилари учун ижтимоий масофани сақлашга мўлжалланган биллакузукларни тажриба синови учун тайёрламоқда. Браслетлар соат каби тақилади ва 3 метрдан кам бўлмаган масофада (қарийб 10 фут) бир-бирига яқин келганда тебранади.

(New York Times)

ҚўШНИЛАРДА НИМА ГАП?

Тожикистонда руслаштирилган исм-шарифлар тақиқланди

Эндиликда Тожикистонда фамилия ва отасининг исми ёзилишидаги руслаштирилган «-ов/-ова» ва «-вич/-овна» суффиксларини қўллаш тақиқланади. Фақат миллий камчилик вакилларига истисно қилинади.

Тожикистон парламенти қуйи палатаси қабул қилган қарорга кўра, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қонунга тегишли ўзгартиш киритилади. Қонун лойиҳаси муаллифларининг фикрича, фуқароларнинг миллий ўзлигини англашни юксалтириш ва миллий ўзига хосликларни ҳимоя қилиш мақсадида бу иш амалга оширилмоқда.



Тожикистон Адлия вазир Музаффар Ашуриёнинг баёнот беришича, эндиликда тожик фуқароларининг исм-шарифларида русча қўшимчалар қўллаш тақиқланади. Исм-шарифларда бундай қўшимчалар ўрнига фуқаролар тожикча қўшимчаларни, масалан, «-зода», «-иён» ва бошқаларни ишлатишлари мумкин. Унинг сўзларига кўра, рус ва бошқа оз сонли миллат вакилларига истисно мавжуд.

Қарор руслаштирилган исм билан ҳужжатларини олган фуқароларга таъсир қилмайди. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларида рус тилидаги қўшимчалар ишлатилган болалар улар билан паспорт олиши мумкин. Қарор фамилия ва исмини ўзгартирмоқчи бўлган ёки илк бор ҳужжат ва шахсни тасдиқловчи гувоҳнома оломоқчи бўлган фуқароларга тегишли.

Боланинг ота-оналари турли миллат вакиллари бўлса, у ҳолда болага фамилия бериляётганида ё отасининг, ё онасининг фамилияси ҳар икковининг розилиги билан миллий қонунчиликда кўзда тутилгандек берилади. «Бу янгилик инсоннинг исми миллий ўзига хослиги шахсни шакллантириш ва ўзини англаш туйғусини қарор топишига муҳим омил ҳисобланади», деди вазир.

Алматида сотувчилар норозиликка чиқди

Алматидаги «Барыс-IV» бозорининг юзлаб сотувчилари 28 апрель куни маъмурият ва маҳаллий расмийларнинг фаолияти бошланганидан бир неча кун ўтиб бозорни ёпиш борасидаги қарорига ўз норозилиklarини билдиришди.



Бозорга қираверишда тўпланганларнинг айтишларича, коронавирус туфайли уч ҳафталик карантиндан сўнг ўтган дам олиш кунлари савдо учун руҳсат берилган. Шанба куни бозор администрацияси савдо нукталарини очган ва сотувчилардан ижара тўловларини йиғиштириб олган, бироқ 28 апрель сешанба куни ишга чиққан сотувчилар бозор дарвозаси ёпиқлигини кўришган.

Ҳодиса жойига етиб келган Олмали туман ҳокими Бекқали Торгаев бозордаги шароитлар «санитар нормаларига мос келмаслигини» айтиди ва коронавирус бўйича эълон қилинган карантин тугагини кутишга чакирди. Унинг айтишича, ижара пули билан боғлиқ масалани бевосита бозор раҳбарияти билан хал қилиш керак.

Сотувчиларнинг эътирозларидан кейин бозор атрофига полиция автомобиллари келган, дарвоза олдида кўриқчилар қўйилган.

Бозор юристи Самат Нуршабаев кейинроқ саволларга телефон орқали жавоб берди ва йиғилган ижара тўловлари келаси ой учун эътиборга олиншини айтди.

Шаҳар 19 март куни карантинга беркитилганидан кейин озиқ-овқат бозори очик қолган эди, бироқ апрель ойи бошларида шаҳар расмийлари бозор санитар меъёрларига жавоб бермаслигини айтиб унинг ишини тўхтатиб қўйишди.

Туркменистонда 9 май паради бўлади

Глобал COVID-19 пандемиясига қарамай Туркменистон фашизмга қарши урушда қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини ҳарбий парад ва байрам тантаналари билан нишонлайди.

Айрим нашрларнинг таъкидлашларича, ҳарбийлар Ашхабоднинг «Halk hakudasy» – «Халқ хотираси» мемориал ёдгорлиги яқинида бўлиб ўтайдиган тантанали парад ва ҳарбий техникалар намоийишига тайёргарлик кўрмоқда.



Туркменистон давлат ахборот агентлигининг хабар қилишича, мамлакатда байрам шарафига 1941-1945 йиллардаги уруш ветеранлари ва иштирокчиларининг рафиқалари, фронт ортида ишлаган фахрийларни тантанали тақдирлаш маросими ўтказилади. Президент фармонида кўра, давлат муассасаларига тадбирларни юксак даражада уюштиришни таъминлаш юклатилди.

Мамлакатда коронавирус йўқлигини расман эълон қилган Туркменистонда турли байрамлар тантанали равишда нишонланмоқда ва кўп сонли одамлар иштирокда оммавий тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, 7 апрель куни умум-миллий велопоёғ ва бошқа спорт тадбирлари ўтказилиб, уларда бир неча минг киши иштирок этди. Туркменистонда футбол мусобақалари тикланди ва кенг миқёсда От куни нишонланди.

Шарофиддин ТҶУЛАГАНОВ

Tnews.uz

« Ҷи шундоғам пандемия ту-
файли одамлар уйига қамалиб,
жуда кўп муаммоларга рўбарў
бўлиб турган бир пайтда кет-
ма-кет келган бало-ю офатлар
дарад устига чипқондек бўлди.
Аввалига кучли бўрон туфайли
Бухорода қанча уй-жойлар,
бинолар вайрон бўлди, минглаб
юртдошларимиз бош-панасиз
қолди. Кўп ўтмай Сирдарёнинг
Сардоба туманида сув омбори-
нинг дамбаси ўпирилиб, мин-
глаб уй-жойларни сув босди,
катта-катта ер майдонлари,
экин-тикинлар ҳаммаси сув
остида қолди. Сардоба туман-
идан ўн минглаб аҳоли турли
жойларга кўчирилди.

Қутилмаган бу талафотлар кўпчилик-
ни саросимага, тахликага солгани аниқ.
Чунки оддий халқ балоғардон бўлган бу
офатларнинг зарари эрта-индин дарров
коплашиб кетмайди. Моддий зарари ҳам,
элимиз руҳиятида қолдирган жароҳатла-
ри ҳам ҳали анчагача тузалмаслиги аниқ.

Халқнинг тийнатидаги бирдамлик
оғир дамларда билинади, деган гап
рост. Элимиз ҳеч қачон бошига қулфат
тушганларни ёлғизлатиб қўймайди. Кет-
ма-кет юз берган бу офатларни эшитган
юртдошимиз борки жабрдийдалар учун
нимадир ёрдам беришга шошилди.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мир-
зиёев Бухорога ҳам, Сирдарёга ҳам зуд-
лик билан етиб борди. Табиий офат юз
берган, тўғондан чиққан сув талафот ет-
кизган жойлар билан бевосита танишибди,
бунинг жабрини тортган одамлар билан
шахсан учрашди. Давлат раҳбарининг
сўзлари бундай синовларни мардона-
вор ениб ўтишида уларга катта даяда
бўлаётгани шубҳасиз. Сардобадаги
вазият изига тушмагунча, одамларнинг
шарт-шароитини яратиб бермагунча
бирорта раҳбар ва ердан кетмайди, деди
мамлакат раҳбари ва ўзи ҳам Сирдарёда
қолди. Бирдамликнинг, халқни рози
қилиш, ҳар қандай вазиятда эл дардини
ҳис этиб, уларга елкама-елка туришининг
якқол ифодаси бўлди бу.

Ҳозиргача юртимизнинг барча ҳудуд-
ларидан Сирдарё аҳлига қўмак қарвон-
лари оқиб келмоқда. Жабрдийдаларга
ҳамма ўзининг қалб амри билан баҳоли
қудрат қўмак беришти.

Бу фалокатлар юз берганидан сўнг
кўпчиликнинг дилида ҳам, тилида ҳам
бир савол айланди: майли, табиат ин-
жиқликлари Яратганининг иши. Аммо
шунга бардош бермаган янги иморат-
ларни, намунавий лойиҳа деб бутун
дунёга дoston қилинган уйлари қур-
ганлар ёхуд давлат бюджетининг милли-
ардлаб маблағларини сарфлаб сифатсиз
тўғон кўтарганлар жавоб берадими?
Мана шундай кўзбўямачиликка йўл
қўйган, «мендан кетгунча» кабилида иш
тутганлар сувдан қуруқ чикмайдими?

Дарвоқе, Бош прокуратура «Сардо-
ба» сув омбори ўпирилиши оқибатида
рўй берган сув тошқини юзасидан Жи-
ноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми
ва 258-моддаси 2-қисми «б» банди бил-
ан жиноят иши кўзгатилагани ҳақида
маълум қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 5 май
куни ўтказган видеоселектор йиғили-
шида эса шундай таъкидлади: «Халқи-
миз бир нарсдан қўнли тўқ бўлиши
керак, ҳеч қандай ортиқча гап-сўзларга
ва миш-мишларга ўрин бўлмаслиги
лозим. Менинг топширигимга кўра
хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
томонидан сув тошқини билан боғлиқ

ҚИНФИР ИШЛАР ВИЖДОНДАН БОШЛАНГАНДА

ёхуд «учиб кетган том», «ўпирилган дамба»
бизни нимадан огоҳлантирмоқда?



воқеа юзасидан объектив, ҳолис ва кенг
камровли тергов ҳаракатлари бошлан-
ган. Халқимизни ишонтириб айтаман,
тергов яқунлари бўйича барча айбдор-
лар, ким бўлиши ва эгаллаб турган
лавозимидан қатъи назар, қонун олдида
жавоб беради.»

Бу кўпчилик қутаётган гап бўлди.
Чунки йиллар давомида қанча-қанча
қурилишлар белгиланган талабларга
жавоб бермайдиган ҳолатда топшири-
либ келинган бўлсада, биров эътироз
билдира олмас эди. Шунинг учун ҳам
давлат раҳбарининг бу гаплари оддий
одамларни, қурилишлар сифатсизли-
гидан жабр чекиб келганларни хурсанд
қилиб юборди.

Албатта, айбдорлар топилади, тегиш-
лича жавобгарликка ҳам тортилади...
Аммо шу билан ҳаммаси ўз изига тушиб
кетмайди, масаланинг яна бошқа томони
ҳам бор, бизнингча.

Энг аввало, юз берган ҳодисалар ҳам-
мамиз учун дарс бўлиши керак. Бундан
ҳамма бирдек хулоса чиқариши зарур.
Унутмайлик, буларнинг бари биз ўзимиз
шу вақтгача яратган, тарбиялаган, қано-

тининг остига «сув пуфлаган» ёлгонла-
римиз, яқунига етмаган ишларимизни
«кўз-кўз» қилишга бўлган иштиёқимиз,
«бугун мен учун яхши бўлса бўлди, эрта
билан нима ишим бор» деган қарашла-
римизнинг дастлабки аччиқ натижалари
ҳолос. Бу масалага шунчаки қараб бўл-
майди. Катта бунёдкорлик ишларининг
остонасида турибмиз-ку, ахир!

Хўш, қаттиқроқ шамолга томи кўчиб
кетган уйлари, ўпирилиб кетадиган
тўғонни қурганлар тепасида турганлар
жавоб берсин даямиз. Аммо қолган-
лар-чи? Қолганларни ҳам эсдан чиқар-
майлик.

**Ўша уйлар ва иншоотлар учун
оддий миҳ ёки шағал ишлаб чиқа-
рувчидан тортиб сувоқчигача,
қурилиш ашёларини етказиб бер-
ган шофёрдан тортиб, объектга
қоровуллик қилган «охрана»гача
– ҳаммаси жавоб бериши керак
эмасми? Нима, улар ҳаммасидан
беҳабар бўлган дейсизми?..**



Албатта, уларнинг ҳаммасини ёппа-
сига ўғри-муттахамга ёхуд жиноятчига
чиқариш фикридан бутунлай йироқимиз.
«Жавоб бериш» деганда ўша одамлар
ўзининг олдида, ўз виждони, қалб амри
олдида жавоб беришини назарда тутая-
миз. Мана шу томондан олиб қаралса,
нима деб ўйлайсиз, улар ўзларининг
олдида қандай жавоб бера олади? Энг
ачинарлиси, ўзини ўзи, ўз виждонини
сўроққа тутта оладиган одамлар хозир
ҳам бормикан? Ҳамма гап мана шунда.

Отам раҳматли дуралдор уста эди.
Уйимизнинг томини қайта ёшганда де-
вор устига болор оширишдан тортиб,
тунуканинг охириги миҳини қокқунча
бўлган жараёни қузатганман. Отам-
нинг ёнида ишини томоша қиларканман
кўпинча болаларча қизиқиб билан «мана
бу тўсинни шунча йўғонидан қўйиш
шартми, енгилроғи ҳам барибир кўтара-
верадик», «тўсин шунча қалин бўлиши
шартми, бунинг устида одам юрмаса, сув
турмаса...» дея сўрардим. Ўшанда отам-
нинг айтган гаплари ҳали ҳамон эсимда:
«Тўғри, тўсинни ингичкароғидан қўйсак
ҳам бемалол кўтаради. Стропилни бун-
дай қалин қўйиш бугун ёки эртага, балки
умуман керак ҳам бўлмас. Аммо иморат
уч-тўрт йиллик нарса эмас. Уни қуришда
ҳатто юз йилда бир марта бўлиши мум-
кин бўлган кучли шамол ёхуд қалин
қорни албатта ҳисобга олиш керак. Бир
вақти билан бирор фалокат юз бериб,
мен қурган уйнинг томини шамол учи-
риб кетса ёки қор босиб қолса, ингичка
тахта олиб берган уй эгаси эмас, мен
жавобгар бўламан. Бунинг савобу гуноҳи
ҳам менинг гарданимда туради...»

Томини шамол учириб кетган намуна-
вий уйлари, дамбаси ўпирилиб кетган
тўғонни кўриб отамнинг ўша айтган
гаплари эсимга келди. Ана шу объектлар
қурилишида иштирок этганлар бугун

ўзларини ўзлари сўроққа тутиб кўриш-маятимикан?!

Баъзи нарсалар бугун ёхуд эртага дарров ўз натижасини кўрсатмайди. Неча йиллар давомида томчима-томчи йиғилиб ўз таъсирини, натижасини кўсатадиган нарсалар бор. Тарбия, инсон рухияти, онгу тафаккуридаги эвриликлар (бир сўз билан инсон маънавияти дегим келмади, чунки яна бир «маънавиятчи» дегувчилардан истиҳоло қилдим) ана шулар сирасига киради. Моддий нарсалар канчалик аҳамиятли бўлса, инсон рухиятдаги ўзгаришлар ҳам ундан кам эмас. Инсон ҳар қанча билимли бўлмасин, унинг маънавиятида ноқислик бўлса ҳалол-ҳаромнинг фарқи бормайди, бировнинг ҳақидан кўрқмайди, ҳеч қачон виждони олдида ўзини сўроққа тумайди.

Энди тасаввур қилайлик. Қайсидир қурилишлар тепасида турган пудратчилар катта ўғриликлар қилган ҳам дейлик. Аммо ўша ерда ишлаётган мутахассислар (аслида мутахассислар ишлаганми-кан ўзи) нега белгиланган стандартларга жавоб бермайдиган материаллардан кўз юмиб фойдаланган? Нега фалон метр куб жойга фалон тонна цемент, фалон метр арматура кетишини тўққиз пуддай билсада ўшанча материалнинг ярми билан ишни битириб юборган? Ўнта миҳ керак бўлган том нега бишта миҳ билан ёпилиб кетган?.. Бундай саволларни истаганча келтиришимиз мумкин.

Агар ўша материалларни ишлагаётган мутахассислар, усталар бировнинг ҳақидан, ҳаромдан кўрққанида, вақти келиб улкан бир офатларга сабабчи бўлиб қолишдан заррача чўчиганда эди вазият бутунлай бошқача бўлган бўларди.

Балки, бу масаланинг жуда кичик бир жиҳатидир. «Катта ўғрилар четда қолиб, энди қурувчилар айбдор бўлиб қолдимми? Улар берилган материални ишлатганда, ишламас, кўча тўла уста-ку...» каби мулоҳазаларга бораётган бўлишингиз ҳам мумкин. Албатта, катта қурилишларнинг тепасида турганларнинг катта ўйинлари, уюштирилган сохта тендерлару таннариҳи миңг сўм турадиган ашёни ўн миңг сўмга харид қилишларгача ҳеч қимга сир эмас. Аммо менинг назаримда одамларнинг қарашини, ўз ишига бўлган муносабатини, онгу тафаккурини, виждон амрини тўғри тарбиялай олмас эканмиз, ҳар қанча кучли мутахассислар ишласин қурилишлардаги кўзбўямачиликлар давом этаверади.

Тан олиш керак, ҳали ҳамон қурилишлар, ўтказилаётган тендерлар, ишлатилаётган маблағларнинг қанчалик тўғри йўналтирилиши борасида нафақат жамоатчилик, балки халқ вакиллари бўлган депутатларимиз ҳам етарлича маълумотларга эга эмас. «Фалон компания тендерда ғолиб чиқиб, қурилиш ишларини олиб бормоқда. Бунинг учун бюджетдан фалон миллиард сўм сарфланди...» Бўлди, жамоатчилик биладиган маълумот – шу ҳолос!

Хўш, қурилишларда минглаб одамлар ишлайди, нега у ерда бўлаётган қинғирликларнинг «миси» чиқиб қолмайди? Чунки цементу арматурадан, тахтаю миҳдан оз-оздан «уриб» қолишдан тортиб катта-катта коррупцион ўйинлар, «откат»лар занжирдек бир-бирга боғланиб кетган. Мабодо занжирнинг бир халқаси силкитилгудай бўлса, ўша халқа ва ундан пастдагилар узилиб тушади ҳолос.

Нима бўлган тақдирда ҳам сўнгги кунларда юз берган бу офатлар ҳаммамиз учун жиддий оғохлантирувчи кўнғирок бўлиши шарт. Ҳар қандай иш, ҳар қандай вазифани сидқидилдан адо этиш масъулияти қанчалик муҳим эканини тушунайлик. Бугунги жамият учун нафақат билимли, балки онг-тафаккури соғлом, виждонини йўқотмаган, атрофга ва келажаққа озгина бўлса ҳам тафаккур билан қарай оладиган одамлар кераклигини унутмайлик.

Хуснидин БЕРДИЕВ

Сабримиз синаладиган кунлар



Бошига турли синовлар тушганда инсон ўзининг қай даражада ожиз эканини ҳис қилади. Руҳан ва маънан ўзлигига қайтади. Ҳаётнинг кўплаб ҳақиқатларини англаб этишда синовларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси борлигини инкор қилиб бўлмайди.



Инсон ҳаминша ўзи орзу қилган, кутган, ўйлаб-режалаштирган ишлари амалга ошишини истаб яшайди. Шу истаги амалга ошма-са, кутганидан бошқа нарсага дуч келса, ранжийди, кўнгли хуфтон бўлади. Бундай вазиятларда ўзини буткул йўқотиб қўядиган, саросимага тушиб қоладиган, мувозанатсиз қоладиганлар ҳам йўқ эмас.

Шундай ҳолатларни бошдан кечирган инсонлар бундан тажриба олиб, ўзи учун зарур ҳулосани чиқара олиши керак. Ҳаётда кўп нарса бизга боғлиқ эмаслигини, инсон борлиқдаги катта-катта ҳаракатлар олдида уммондаги ҳасдай бир мавжудот эканини ҳис қилишини синовлар ёрдамчи бўлади. Одамзотнинг тийнагидаги сабр-бардош, қаноат, ўзгалар дардини ҳис қилиш, бошқаларга ҳамдард бўлиш, йиқилгани суяш, муҳтожга қўмак қўлини чўзиш каби ўнлаб инсоний хусусиятлар айни мана шундай синовли кунларда

шаклланади. Инсоннинг жисман, руҳан ва маънан чиникиши учун эса, бундай кўникмалар жуда зарур.

Шу кунларда халқимиз бир неча синовларни бошдан кечирипти. Бутун дунёга раҳна солган касаллик, табиий офатлар, тўғон тошқини каби синовларда инсон ўзининг қанчалик ва қай даражада инсоний сифатларга эга эканини англаб боради. Булар орқали чиқарилган ҳулосалар эртага қилинадиган ишлар учун пойдевор бўлсагина бизга аталган синовлардан чинакамга омон чиққан бўлаемиз.

Қуръони каримда: «Сиз бир нарсани яхши деб ўйлайсиз, балки у сиз учун ёмондир? Сиз бир нарсани ёмон деб ўйлайсиз, балки у сиз учун яхшидир? Сиз билмайсиз, Аллоҳ билувчидир», дея марҳамат қилинади. Бунда инсон ўзига хуш келмаган ишда ҳам баъзан катта бир фойда борлигига ишора қилинади. Шакл-шамойилига қараб бирон ишни яхши ёки ёмон деб

катгий ҳукм чиқаришга ошқимаслик зарурлиги уқтирилади. Ҳар қандай ишдан бир яхшилик умид қилинади. Ёмон ҳаёллар ва умидсизликка тушиб қолмасликка алоҳида эътибор қаратилади.

Бошимизга тушган ҳар бир иш учун шукроналик билан, сабр қилиб, офият сўраб туриш бизнинг ҳақиқий бандалик вазифамиз экани бир он бўлса-да эсимиздан чиқмаслиги зарур.

Аслида тун билан кун, ой билан қуёш муттасил алмашиб туриганидек, яхши-ёмон кунлар ҳам ҳаммамизнинг ҳаётимизда қайсидир шаклда учраб туради. Дунёнинг равиши ана шу алмашинувга қосилган.

Шу кунларда Рамазон шариф бошимиз узра соя солиб турибди. Бундай фазилатли кунларда қилинган яхши ишларга бериладиган ажр-мукофотлар етти юз баробар ва ундан ҳам зиёда тарзда кўпайтириб берилди. Тилимизни турли ноҳўя гап-сўзлардан тийиб, қўлимиздан келганча яхши ишларга камарбаста бўлсак, тутаётган рўзаларимиз, қилаётган хайрли амалларимиз янада савоблироқ бўлади, иншааллоҳ. Барчага бирдай меҳр-мурувват кўрсатиш, уни ўзимиздан, ўз онла-аҳли-миздан бошлаш ҳам савоблидир. Бир-бировга қилинадиган солиҳ амалларимиз дунё халқлари бир ота-онанинг фарзандлари эканини ҳис қилиб япашига восита бўлади.

Ҳеч бир синов ўз йўлимиздан адашишимизга сабаб бўлмаслигини Яратгандан тилаймиз.

Шухратжон ҒОЙИМОВ,

Тошкент шаҳридаги

«Қуллоққўрган» жоме масжиди имом-хатиби

Фитр садақа ва фидя миқдори қанча?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво хайъатининг 2020 йилги (1441 х.) фитр садақа ва фидя миқдори бўйича қарори қабул қилинган.

Уламоларнинг тушунтиришларича, фитр садақаси буғдой, арпа, майиз ва хурмонинг маълум миқдори қийматидан келиб чиқиб белгиланади. Шу боис мазкур тўртта маҳсулотнинг Тошкент шаҳар бозорларидаги нархлари ўрганилган ҳолда, 2020 йил учун фитр садақаси миқдори қуйидагича бўлди:

- ⊗ 2 килограмм буғдой 8 000 (саккиз миңг) сўм;
- ⊗ 4 килограмм арпа 12 000 (ўн икки миңг) сўм;
- ⊗ 2 килограмм майиз 70 000 (етмиш миңг) сўм;
- ⊗ 4 килограмм хурмо 120 000 (бир юз йиғирма миңг) сўм.

Ҳар ким ўз имкониятига қараб ушбу тўрт маҳсулотнинг хоҳлаган бир турдан фитр садақасини берса, қифоя.

Бу йилги фидя миқдори бир мискиннинг бир кунлик озик-овқати баробарида бўлиб, унинг ўртача қиймати 20 000 (йиғирма миңг) сўм, деб белгиланган.

ИҚТИБОС

«Фитр рўздор учун беҳуда гап-сўз ва ҳаракатлардан қочқанини, мискилар учун таомланиш бўлсин учун фарз қилинган. Ким уни ҳайит намози ўқилишидан олдин берса, у мақбул садақа бўлур. Ким уни намоздан кейин адо қилса, садақалардан бири бўлур.»

«ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Кўп миллатли халқимизни
9 май — Хотира ва қадрлаш куни
байрами билан табриклайди!

Хотира — абадий,
қадр — муқаддас.

Аждодларимизнинг ўчмас хотираси
доимо қалбларимизда мангу
яшайди!

Инсон манфаатлари
эъзозланаётган юртимиз доимо
гуллаб-яшнасин!

9-MAY
XOTIRA VA
QADRLASH
KUNI



БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



Шу кунларда томорқа ерларидан унумли фойдаланмаган фуқароларга жарима қўллаш борасидаги масала кенг муҳокама қилинмоқда. Гап шундаки, жорий йил 14 апрель куни «Дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, экин экиш ишларини тизимли ташкил қилиш ҳамда маҳсулот етиштириш ҳамжамларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ҳукумат қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, туман (шаҳар) ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги экин турларини ва етиштирилаётган маҳсулот прогноз кўрсаткичларини маҳалла

фуқаролар йиғини кесимида белгилашни назарда тутувчи қарорлари қабул қилинади. Ушбу қарорларда, шунингдек, томорқасига экин экмаган ер эгасига ер солиғини оширилган ставкада қўллаш масалалари назарда тутилади.

Шунингдек, экин экмаган томорқа ер эгаларини маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқиши кўзда тутилган. Шунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Бу билан эса томорқа ерлардан унумли фойдаланмаганлик учун маъмурий жавобгарлик қатъийлашади.

Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ушбу масала юзасидан чиқишлар, баҳс-мунозаралар бўлмоқда. Қуйида ушбу мақолалардан бирини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик. Албатта бу таҳририят нуқтаи назарини ифодаламайди. Агар сиз ушбу масала юзасидан бошқа фикрда бўлсангиз, марҳамат, газетамиз минбар ажратаети.

Таҳририят

«ТОМОРҚАГА ЖАРИМА» – МУАММОГА ЕЧИМ БЎЛАДИМИ?



Янгиликни эшитдингизми? «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 65-моддасига қўшимча киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилибди. Бу нима дегани биласизларми? Бу – халқ учун коронавирусдан ҳам хавфли хатар дегани. Сабр-бардошли бу халқ коронавирусни енгади албатта. Аммо солиқ тўлаб келаётган ери учун жарима тўлаш – коронавирусдан қутилган халқ учун жуда оғир бўлади. Шундоқ ҳам «ногўғри босилган хар бир қадам» учун жарима тўлаёпмиз. Энди эса «босилмаган қадамлар» учун ҳам жарима тўланадими?

Халқ депутатларимизни шу учун сайлаганмиди? «Биз сени депутат қиламиз, сен биз учун янги-янги жарималарни жорий қиласан, шу орқали биз давлатимизга қўшимча даромад келтирамиз. Бўлмаса давлатга қандай пул тўлашчи билмаётган эдик» деган умидда депутат сайловига чиққанмиди одамлар?

Қишлоқда туғилиб ўсган, томорқада меҳнат нималигини татиб кўрган киши сифатида дехқонларнинг ҳаётини яна

бир бор кўз олдингизда гавдалантиришга ҳаракат қиламан:

Аввал ўйланг, қишлоқда дехқончилик қилаётган одамлар қандай ишляпти экан деб. Унинг фақат ери бор. Ер ҳайдаш учун на бир трактори, на бир транспорти бор. Соьлярканинг баҳоси 7 минг сўм. Сиз шошилманг, соьлярканинг баҳоси фалон пул деб айтишга. Қоғозларда канча килиб белгилаб қўйилганини билмадим, мен реал ҳаётдаги дехқон сотиб оладиган соьлярка нархини айтаяпман. Бу дехқоннинг уруғ сотиб олишга маблағи йўқ. Кредит олмакчи бўлса, банкларимиз «ўлиб кетган бобосининг ўлганлиги ҳақида гўрқовдан ҳам справка» талаб қилади. Кредит олмакчи бўлган дехқон бир йил банкирнинг изидан югуриши керак. Албатта, «Банкнинг ўз тартиб-қоидалари бор-да» демоқчи бўлаётгандирисиз хойнаҳой. Аммо ўша тартиб-қоидалар фақатгина бир томоннинг манфаатини кўзлаб чиқарилган. Бу ҳам бўлса – банк манфаати. Банк бошқарувчиларининг бирдан-бир қоида бор: кейин ўзлари югурмаслиги учун пулни пули борга беради.

«Қўй кўрмаган кува-кува ўлдиради»

Экинни бир амаллаб экиб олган дехқон кейинги азобларга тайёр туриши керак. Яъни энг катта масала, бу – сув муаммоси. Қишлоқлардаги жанжалларнинг кўпчилиги сув талашини оқибатида келиб чиқшини шаҳарлик раҳбарлар қайдан билсин? Кечкурун ухламасдан ўнлаб километрдан пиёда бориб сув ҳайдаб келади, бечора дехқон. Сув томорқасига келгунча йўлда яна қанчаси билан «қир-ничок» бўлиши керак. Бундай жанжалларни ёшлимизда кўп бора ўзим кўрганман. Хаттоки, ўзим ҳам сув талашиб бошим ёрилган. Ўзим ҳам қанчасининг бошини ёрганман. Яхшиямки, дехқон халқи танти, кечиримли бўлади. Акс ҳолда қамалишлар сони ортган бўларди. Қисқаси, Худо кўрсатмасин, агар шу қонун кучга қирадиган бўлса, одамлар жарима тўлашдан қочиб билмадим нималарга қўл уради...

Биз ёшлигимизда сув талашиб, уришиб юрган вақтларда чирок ҳам бўларди. Ҳозир қишлоқларда шу ҳам йўқ. Айни вақт артизан қаздириш учун маблағ топилган билан артизаннинг умуман фойдаси йўқ. Чунки, биринчидан артизан учун қишлоқларда электр муаммо. Ҳозирда қишлоқларда «свет ўчидими» дейишмайди, «свет келдими» деб сўрашади. Иккинчидан, экин-тикин учун ер остидан чиққан сув оқиб келадиган сув каби фойдали бўлмайди. Буларни шинамгина офисларда ўтирган раҳбару депутатлар қайдан билсин? «Қўй кўрмаган кува-кува ўлдиради» деб шунга айтсалар керак-да.

Булар дехқоннинг хор бўлгунча бўлган асосий муаммолар.

Катта шаҳарларга сизмаган дехқон

Бир амаллаб ҳосилини йиғиштириб олган дехқоннинг оидида энг катта муаммо пайдо бўлади. Яъни уни сотиш керак.

Дехқон ҳосилини йиғиштириб олгач, фалон пулга юк машинаси гаплашиб шаҳарга қараб йўл олади. Уни эса нархни калта бичувчи олибсотарлар қарши олади. Бу профессионал калта бичувчилар минг бир усул билан суф-куф қилиб кетказган харажани қўлига тутқазиб юборишади. Дехқон эса ўзининг пули

чикканига шуқр қилиб оиласи бағрига қайтади. Аммо келгуси йили ҳам шундай жон бериб ишлашга унда ҳафсала қолдимикан – гап мана шунда!

Бундай вазият бўйича, хўш ким айбдор? Мана шунинг ҳам бир учи депутатларга тегмайди? Негаки, мавжуд қонунларимиз дехқон маҳсулотини эмин-эркин сотишига йўл қўймайди. У шаҳарга олиб келган билан қаерга олиб боради? Албатта жойлари олғирлар томонидан бир умрга банд қилинган бозорларга-да. Шаҳарнинг хоҳлаган жойига олиб бора олмайдди. Ундай қилса, «участковой» чопиб келади уч кундан ортик турганинг учун жарима деб, изидан яна бир ташкилот пайдо бўлади санитарияга тўғри келмайди деб... Ҳаттоки, ИПХ ходими ҳам транспортнинг камчилигини топиб, жарима қилиб кетади.

Буларнинг барчаси айримлар учун бўртгирма бўлиб туолиши мумкин. Аммо шундай ҳодисаларни бошдан ўтказганлар хозир томорқасида ишлаб ётибди.

Меҳнатнинг баҳосини ким белгилайди?

Шу кунларда «картошканинг нархи кўтарилиб кетди, пиёзнинг нархи фалон экан» дея айюханнос солаётганларни кўп учратяпмиз. Меҳнатни дехқон қилади-ю, нархни тўрт девор орасидан чиқмаган шаҳарликлар белгилаши керакми? Дехқон ҳам меҳнатнинг роҳатини кўришга ҳақли. У ҳам ўзи эккан, йиғиштирган маҳсулотини эркин нархлашга қонуний ҳақки бор.

Дехқон ҳам картошкани осмондан тайёрини териб келмайди. У бюрократларнинг изидан йиллаб чопиб ер олади, соьляркани сотиб олиб қайтади. Уруғни қарзга олади, экиб, сувни кимлар биландир талашиб суғоради, картошкани уч маротаба тагини юмшатиш керак. Ниҳоят машина гаплашиб шаҳарга олиб келади. Бозорга кириш учун белгилаб қўйган отнинг калласидай суммани бериб қиради. Бир амаллаб сотади. Энди ўйлаб кўринг: Картошканинг нархи қанча бўлиши керак? 2-3 мингми? Йўқ, шаҳардаги айрим шахслар учун картошка текиндан сал киммаг бўлса, шуни ҳам ноинсофлик дейди. Агар ўйга текин олиб келиб берсангиз, нега кеч келдинг деб уриб-сўки хайлайди.

Бу дехқоннинг уруғ сотиб олишга маблағи йўқ. Кредит олмакчи бўлса, банкларимиз «ўлиб кетган бобосининг ўлганлиги ҳақида гўрқовдан ҳам справка» талаб қилади. Кредит олмакчи бўлган дехқон бир йил банкирнинг изидан югуриши керак.

9 <<<

Ўтган йиллари айрим жойларда картошка арзонлигидан деҳқонлар транспортга ортиб бориши қопламаслигини билиб чорвага едирганини биламан. Энди бу деҳқон қандай қилиб, картошка экади? Қандай қилиб томоркага кўз тикади? Энди у кўпчилик қатори иш излаб хорижга кетади. Энг мақбул йўл ҳам шу. Агар астойдил суриштириб кўрсангиз, Россияда ишлаётган ўзбекларнинг ярмидан кўпи деҳқончилик ортидан банкрот бўлганлар.

**Бу дарднинг давоси бор,
фақат хоҳиш керак**

Олдин ўзимизнинг имкониятларимизни таққилаб, кейин энг пастдаги қора халқни жаримага тортиш стратегиясидан воз кечиш пайти этган. Кўёш ўз нуруни даринг тутмайдиган бу юрнинг мева ва полиз экинлари жуда мазали. Меваларимизни ўзга юртларда кўзига суртиб олишади. Аммо деган жой шуки, полиз экинларини экспорт қилиш муаммо. Экспорт ҳамма учун очилса-чи? Нима эмниш, юртимизда озик-овқатлар нархи ошиб кетарми. Деҳқон банкрот бўлса ҳам нарх кўтарилмасе бўлди.

Меваларни экспорт қилиш эркинлаштирилса, нарх албатта кўтарилди. Аммо бир-икки йил ичда изига тушади. Чунки ишлатилмай ётган ҳар бир қарич ердан йилга тўрт маротабагача ҳосил олишга интилиш бошланади. Натижада, деҳқон бой бўлади, у ҳам шаҳарга келиб дам олади, боласини шаҳарда ўқитади, шаҳарда онасини даволатади, шу каби циркуляцияни маиший тизимлар орқали шаҳардан олиб кетган пулларини яна шаҳарга қайтариб ташлаб кетади.

Яхшиси, халал берманг!

Агар қайсидир деҳқоннинг омади чошиб мўл ҳосил оладиган бўлса, дарҳол ўша тумanning раҳбарлари биринчи планга чиқиб олишади. «Мана бизнинг сабъ-ҳаракатларимиз туфайли, ажратган кредит маблағларимиз сабабли шунча мўл ҳосил олди» каби олға-ура гаплар билан улоқни олиб қоқишади. Аслида эса деҳқоннинг олдидаги энг катта тўсиқлардан бири мана шу бюрократлар эмасмиди?

Деҳқон умр бўйи табиат инжиқликларидан кўркиб яшайди. Гоҳида экинини совуқ уриб кетади, гоҳида қурғоқчилик бўлади, гоҳида эккан уруғи пуч чиқади. Ҳар қандай азобларга чидаб кўниккан деҳқон буларнинг барчасини пешонасидан кўради. Аммо солиқнинг устига жарима каби сунъий офатлар деҳқон учун ортиқча.

Деҳқону миришқорлар манфаатини химоя қилиш учун вазириликдан ташқари яна қанчадан-қанча ташкилот ва уюшмалар тузилган. Ҳимоя ва ёрдамга муҳтож бўлиб турган бу ташкилотлар қандай қилиб деҳқонга ёрдам беради? Улар фақат мажбуран аъзо қилиб аъзолик бадалларини ундиришни қойиллаштишади ҳолое.

Икки йил олдин Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорка ер эгалари кенгаши тузилган эди. Яқинда эса «Томорка хизмати» МЧЖлари ҳам пайдо бўлди. Деҳқонларимизга бундай ўзи ёрдамга муҳтож ташкилотлар керак эмас. Фақат уларга халақит берилмасе бўлди. Уларга тўсиқ эмас, эркинлик берилса, Қозоғистону Россияни «қора меҳнати» билан эмас, шириндан-шакар мева ва полиз экинлари билан забт этади.

Бизнинг халқимиздай меҳнатқаш халқ ҳеч бир юртда йўқ. Фақат уларнинг шу юртда ишлаши, меҳнат қилишлари учун имконият ва эркинлик керак. Сизнинг чиқармочки бўлган янги инновацион қонуналарингиз ўзга бир юртдаги дангаса халқ учун, биз учун эмас.

Хулоса ўрнида биргина савол: нега раҳбарлар ҳаракатсизлиги учун жарима тўламайди-ю олдий халқ қилмаган иши учун жарима тўлаши керак? Шунга ҳеч ақлим етмайпти...

Шерали ОТАБОЕВ



Замон интернетники дегувчилар – хато қиласиз! Биринчидан, тармоқ соҳиби сиз эмассиз! Иккинчидан, сайтларни юртимизнинг баъзи ҳудудларида ҳозирча ўқий олмайдилар! Пандемия даврида масофавий таълим бежизга телевидениега берилмагандир. Қолаверса, сайтдан материалларни олиб ташлаш унчалик муаммо эмаслигини ҳамма кўрди...

Энг яхши теле, радио дегувчилар – сиз ҳам хато қиласиз, чироқ ўчса, қилган меҳнатингиз ҳаво мавжларида йўқолади!

Энг яхшиси матбуот дегувчилар ҳам катта хато қилади! Буни бугунги аҳвол кўрсатиб турибди – қоғоз ҳам, газетани босувчи ускуна ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилмайди! Устига-устак, қоғоз олиб келиш қорчалонлар кўлида...

Журналистларга мактуб:

БИРЛАШИШ

Шундай экан, кучни бирлаштириб, биримиз бошқамизнинг камчиликларимизни тўлдириб, халққа янгиликларни етказиш, муаммоларни муҳокамага олиб чиқиш, маърифат тарқатиш, алалокибат, юрт равнақиға хисса кўшиш муқаддас вазифамиздир.

Холбуки, ёзишга мавзу топилай қолган ОАВ турлари журналистлари бир-бирини «гажиш»га киришади. Озгина устунлигини пеш қилиб, ҳамкасбини паства ураётган журналистни дунёқарашни кенг, фидойи дейиш мумкинми?

Албатта, ҳаммада камчилик бор. Қайсидир сайт ўз «стугуни қайтиб олди» (*келишти*). Газетчилар «уларни иқтисодий манфаат бирлаштириди», дея устидан кулдикми? Кулдик. Хўп, танкид қилинган тараф уларни «сотиб олибди», адолатни тиклаш, ҳеч йўқса, орият устун келиб, ўша сайтдан кетган журналист хурматига нега мавзунинг таҳлилини охиригача етказмадик? Журналистларни ҳақорат қилишга баъзи пулдор-у амалдорларга ким ҳуқуқ берганди?

Ёки бошқа олдий мисол. Тошкент шаҳридаги «Матбуот уйи» муаммосини (*бинонинг бир неча қавати сотувга қўйилган*) ЎЗА журналисти кўтариб чиқди. Лекин сайтларда ишлайдиган журналистлар ёрдамга келдимиз? Келмади, чунки улар босма ОАВга бошқача назар билан қарашади («ўтмиш маҳсулотини»)... Гап-сўзларга қараганда, қайсидир йили бир ташкилот катта миқдорда (*Тошкент шаҳри озик-овқат захирасига*) пиёз сотиб олиш учун банкдан қарзга маблағ (*миллиардлар ҳақида гап кетмоқда*) олган ва нотавонлар (*қамина ҳам улар қаторида*) ишлайдиган шу бинони гаровга қўйган. Айтишларича, харид қилинган пиёз «чириб кетган», банк эса берган пулни қайтариш учун бинони сотишга ҳаракат қилмоқда. Ҳар олти ойда бир бор суд қарори чиқади, журналистлар яна фарёд кўтаради,

Президентга ёзади, савдо тўхтатилади. Бироқ банк пулини қайтиб олиши керак-ку! Яна судга мурожаат тақрорланади...

Аслида, банкдан олинган пул эвазига харид қилинган пиёзлар чирганини, унинг сассигига чидай олмаган омборхона мудирлари маҳсулотларни қаёққа чиқариб ташлашгани, неча машинага юк бўлгани, йўлпатта-ю актларга ким имзо чекканини қайси нашр текшириб кўришга, журналистик суриштирув ўтказишга ҳаракат қилиб кўрди? «Шу каби муаммоларни кўтармаган газетани раҳбарлар ўқийдими?» дея ҳақли равишда устимиздан қулишмоқда...

«Масалан, мен деярли газета ўқимайман, охири марта қачон ўқиганимни ҳам эслай олмайман», деган раҳбардан хафа бўлишдан не наф? «Авто-тест»нинг монополиясига қарши фикрлар айтилавергач, унга чек қўйилди. Лекин газеталар «бу қарорни чиқаришда кимлар иштирок этганди? Хусусий ташкилот қандай қилиб тендерсиз бу мавқега эга бўлди? Кимлар унинг манфаатини ҳукумат миқёсига олиб чиқди? Ниманинг эвазига?» сингари саволларни қалаштириб, масаланинг охирига етишлари керак эди. Ахир қанчадан-қанча ташкилотлар, жумладан, мен билган ҳайдовчилар маблағ тўлаб ўқишди, лекин «Авто-тест» берган ҳужжат бир пулга киммат бўлиб қолаверди. Мана шу муаммоларни охиригача кўтариб, суриштирув ўтказиб, уларни ҳушёрликка чақириб турганимизда, «ахён-ахёнда бўлса ҳам газета ўқиб турибман», дея олдирган бўлардик.

Айб ўзимизда!.. Менда!..

Бугунги оғир қунлар, худо хоҳласа, албатта, орта қолади. Энди ҳаётга бошқача қарашимиз табиий. Лекин вужудга келадиган янги тартибларга тарраққимизга тўсиқ бўладиган коррупционерлар-у



**Журналистларни ҳақорат қилишга баъзи
пулдор-у амалдорларга ким ҳуқуқ берганди?**

муттахамлар мослашмайди, дея ким кафолат бера олади? Улар билан ким курашади? Тегишли органларнинг иши, дея кўрманг. Агар шундай бўлганида эди, айти пайтда жаҳон ахли адолат салтанатида яшаган бўларди. Иштаҳаси юхларнинг нотўғри кадамларини ОАВ айтиб, хушёр торттириши, бундай уддабурроларни тийилишга мажбур қилиб туриши шарт! Бу фикрни дунёни бўлиб олишга интилаётган, яна ўзини де-



Ҳарқандай китобни ўқитишдан аввал газета ва журнални varaқлатиб, кичик-кичик шеър ҳикоя, хабар ва мулоҳазаларни ўқитиб, мутолаага, албатта, мустақил фикрлашга ўргатилади.

хокимлик, ҳукумат бундай эзгу ишларга хомийларни ва бошқа чораларни қўллаган ҳолда бош бўлиши шарт. Ваҳоланки, бола она корнидан китоб ўқишга тайёр ҳолда туғилмайди. Ҳар қандай китобни ўқитишдан аввал газета ва журнални varaқлатиб, кичик-кичик шеър ҳикоя, хабар ва мулоҳазаларни ўқитиб, мутолаага, албатта, мустақил фикрлашга ўргатилади. Бу ҳаракатимиз билан қишлоқдаги интернет тармоғига улашиш у ёқда турсин, телефон олишга қурби етмайдиган оилалар фарзандларига мутолаа маданиятини шакллантирган, ўйлашга, фикрлашга, ўз йўлини топишга сафарбар қилган бўламан. Бу масалада «бозор талабидан келиб чиқиб кунларингизни кўринлар», дейиш мутлако нотўғридир. Шу гапни айтганлар манкуртдир.

ФУРСАТИ

моқратман, маданият ташувчисиман, деб айюханнос солаётган зўравон юртлар олимлари (*ҳужмдорлари эмас!*) ҳам таъкидлашмоқда, журналистлари имкони доирасида курашапти ҳам.

Шундай экан, янада майдалашиб, ўзимиз билан ўзимиз курашга тушиб кетмаслигимиз зарур. «Бўлиб ташла ва эгалик қил», деган ақидани журналистларга нисбатан ишлатганда, бугунги кун «учар»лари, коррупционерлари учун қўл келади.

Албатта, шу мавзуда ҳолис фикрларини билдираётган мутахассисларнинг газеталар ривожига учун таклифлари ва эътирозларига қўшиламан. Бироқ бир жихатни унутмаслигимиз керакки, Ўзбекистоннинг бугунги иқтисоди, ишлаб чиқариши хорижники каби ривожланиб кетган эмас. Муаммонинг фурсат ва шижоат билан боғлиқ залворли сабаб ва омиллари бор. Бу ҳақда бир неча бор фикр билдирганмиз.

Тоталитар жамиятдан демократик жамиятга ўтиш даврида барча ОАВлар барибир қўллаб-қувватланиши керак, акс ҳолда, бу ишни турли грантлар ёрдамида бошқа халқаро ташкилотлар ўз зиммасига олади ва унинг оқибати ҳар доим ҳам мамлакатга хизмат қилмаслигини рангли инкилоблар бўлиб ўтган юртлар мисолида кўришимиз мумкин.

Аҳоли маърифати билан шуғулланганидан «Маърифат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Жамият», «Оила даврасида», «Оила ва жамият»; ҳуқуқий манфаатни ҳимоя қиладиган «Ishonch», «Ёшлар овози» сингари нашрларга капитализмнинг қаттиқ талабларини бугунги кун, яъни ўтиш даврида татбиқ этиш қанчалик тўғри? Айниқса, болалар нашрлари аҳоли кишининг юрагини ўртайди...

Бир куни ҳамма билан боласи каби 7 яшар кизим аллақандай ширинлик олиб келишимни сўради (*номини ёзиб берди*). Бир-икки дўконларга кириб сўрадим, сотувчилар елка қисиди. Ҳар гал уйга қайтганимда, «буюртмам қани» дегандек мўлтираб қарайди кизалоқ. Унақаси йўқ экан болам, десам, кўнмайди. Хуллас, бундай ширинлик борлигини қаердан эшитганини сўрадим. Хорижнинг болаларга ихтисослашган каналидаги рекламада кўрган экан. Янги номдаги ширинлик Ўзбекистонгача етиб келмабди, чоғи, унга тушунтирдим, қўна қолди. Бу мисолдан мурод не? Бола ширинликни яхши кўради. Унинг таъми бор.

Газета ёки журналнинг қандай таъми бор? Маънавий мазаси бор, албатта. Лекин рекламада уни болага тушунтириш мумкинми? «Мумкин, қаловини топса, қорни ҳам ёндирса бўлади», дерсиз. Ундай реклама бериш учун болалар нашрларида маблағ етарлими? Пул ҳам топилди ёки ижтимоий ролик қилиб, телевидение тарғиб ҳам қилди, дейлик. Унда болани матбуотга ким ва қан-

дай қилиб ошно этади? «Ривожланган давлатларда мактаб бола тарбияси билан шуғулланмайди», дегувчиларга жавобимиз – уларнинг ота-оналари иш билан таъминланган. Ота-онанинг маънавий аҳоли ҳароб ёки тирикчилик илинжида ўзга юртларда юрган бўлса-чи? Бунда миллатнинг болаларини ким тарбиялайди? Ўқишга ўргатиш ҳам тарбиянинг бир қисми эмасми? Худди шу ўринда халқ таълими масъулиятни зиммасига олиши керак! Шунинг учун ҳам ХАЛҚ таълими дейилади. Акс ҳолда, бу улуг номни ўзгартиришга тўғри келади...

Шунинг учун тарбиянинг ажралмас қисми бўлган болалар нашрларига обуна масаласи ўқитувчилар томонидан тушунтирилиши, бу ишда таълим бўйича туман ва бошқармалар, вазирилик мутасаддилари бундай тарғибот билан шуғулланган ўқитувчию мактаб директориға тазйик ўтказишни бас қилиши,

Яна бир бор таъкидлайми: болаларимизни ОАВнинг барча турларидан фойдаланишга, фикрлаш, баҳс маданиятини шакллантиришга, муносабат билдиришга, уларда иштирок этишга ўргатишимиз шарт. Ижтимоий тармоқда қўйилаётган масала (*пост*)ларга берилаётган изохларга эътибор қаратинг – фикрлаб, муаммога чуқурроқ кириш керак бўлган пайтда киска ва лўнда ҳақоратга ўтилади. Нега? Чунки фикрлаш, баҳслашиш одоби, кўникмаси йўқ! Бу муаммо ҳақида давлатнинг қайсидир тузилмаси мутасаддилари ўйлаши ва уни бартараф этиш чораларини кўриши керак-ку!

Хулоса ўрнида Ўзбек интернет сайтларининг сўнгги пайтларда ҳақиқий ахборотни тезкор тарқатиши бўйича илғорлигини таъкидлайми. Телевидение, жумладан, Халқаро пресс-клубнинг тўғридан-тўғри кўрсатаётган ва бошқа «ток-шоу»ларда кўтарилаётган баҳс-мунозараларини ҳам эътироф этиш адолатдан бўлади. Радиожурналистлар ҳам долзарб муаммоларни кўтариб чиқишга ҳаракат қилишмоқда.

Улар қаторида охириги уч йилда аксар газеталар мутлако ўзгараётганини ҳам тан олиш керак, бунинг учун уларни ўқиб, кўтарилган муаммоларни бошқа ОАВ турлари ҳам жамоатчиликка, ҳокимиятга кўрсатишга кўмак бериши зарур. Ахир ҳаммамизнинг ниятимиз эзгулик-ку!

Мустақилликнинг дастлабки тўрт йилида худди шундай кўтарилиш бўлганини тарих кўрсатди. Кейин...

Шу ўринда ана шу тўрт йилликни 229 йил аввал бошидан кечирган АҚШ таърибасига тўхталамиз. Ушбу давлат конституцияси 1787 йилда қабул қилинган, дастлабки тўрт йил натижаси ўлароқ (*1791 йили*), унга «Биринчи тузатиш» («*First Amendment*») киритишга мажбур бўладилар. Тузатиш мазмуни – АҚШ Конгресси сўз ёки матбуот эркинлигини, халқнинг тинч йўл билан йиғилиши ва ҳукуматга шикоятлари бўйича арз қилиши, диний эътиқод ҳуқуқини чеклайдиган бирорта ҳам қонун қабул қилмаслиги тўғрисида шарт белгиланади. Биз суҳбатлашган америкалик мутахассиснинг таъкидлашича, бу тўрт йиллик воқеа-ҳодисалар, жумладан, партиялар кураши, динлар, ирқлар ўртасидаги келишмовчиликлар, айниқса, муайян бир гуруҳнинг ҳокимиятни эгаллаб, ўз манфаати учун кураши, бугунги тил билан айтганда, коррупциянинг олдини олиш учун ана шу асосий эркинликларга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай қонунларни қабул қилиш таъқиқланди ва натижада, АҚШ қудратли давлатга айланди.

Айни пайтда биз ҳам жуда масъулиятли, миллат равнақи учун бирлашадиган даврга қадам қўймоқдамиз. Бу бир-биримизга таъна тошлари отиш эмас, балки демократик эркин жамият қуришдаги ҳаёт-мамот фурсатидир.



Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

Ҳалим САИИД,
журналист

**UZTELECOM**

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

МАУ

Алоқа соҳасининг барча заҳматкаш
ходимларини, фахрийларни 7 май —
Алоқачилар касб байрами ҳамда 9 май —
Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан
муборакбод этади!

Оилаларга тотувлик, тинчлик ва осойишталик
тилайди. Ўзбекистонимиз равнақиға қўшаётган
хиссангиз бунданда зиёда бўлсин. Барча эзгу
ишларингизда зафарлар ҳамроҳ бўлсин!

Байрамлар қутлуғ бўлсин!

1 МАЙДАН ЎЗГАРДИ?

НИМАЛАР




Худудлар доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштирилади

Доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш кластерлари ташкил этилади, шунингдек, худудлар доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштирилади.

Янги акциз марка

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилади.



Боғча пули миқдорлари ўзгаради

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорлари ўзгаради (*Газетамизнинг 2020 йил 5 март кунги сонида боғча пулининг қарерда қанчага ошиши ҳақида батафсил маълумот берган эдик*).




АИ-80 бензини нархини давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинди

АИ-80 маркали автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси (*шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилғиси*) чакана нархларини давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинади ва нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан уларни сотиш фақат биржа савдолари орқали амалга оширилади.



МАЪЛУМОТ

2020 йил 3 майдан бошлаб мамлакатимиздаги ёнлғи қуйиш шохобчаларида АИ-80 бензини 500 сўм арзонлади ва бир литрни 4000 сўмдан сотилмоқда.



Тиббиёт ташкилотларида халқ табибати хоналари очилади

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган, давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомига эга Республика халқ табибати илмий-амалий маркази ташкил этилади.

Бундан ташқари, туман (*шаҳар*), вилоят ва республика даражасидаги давлат кўп тармоқли тиббиёт муассасаларида ҳамда нодавлат тиббиёт ташкилотларида халқ табибати хоналари очилади.

Бўстонликда ижарага берганлик учун алоҳида солиқ

2020 йил 1 майдан бошлаб, 2021 йил 1 майдан Бўстонлик туманида тажриба тариқасида солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида тартиби жорий этилади.



Тажриба даврида жисмоний шахслар томонидан дам олиш уйлари, дала ҳовли, яққа тартибдаги уй-жойлар ва яшаш учун мўлжалланган бошқа турар жойлар, шунингдек, айрим мол-мулк турлари солиқ органларининг таянч пунктлари томонидан солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилгани тўғрисидаги бепул бериладиган гувоҳнома асосида ижарага берилади.

БИЛАСИЗМИ?

Қонунчиликка мувофиқ, айрим шахсларга уй-жой, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловлари берилиши белгиланган. Улар қимлар:

Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловлари бериладиган шахсларнинг имтиёзли тоифалари РЎЙХАТИ

Т/р	Шахслар тоифаларининг рўйхати	Ҳар ойда бериладиган компенсация пул тўловлари миқдори (пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорига нисбатан фоизда)
1.	1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслардан ташқари	50
2.	1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар	45
3.	Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар	45
4.	Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва «Слава» орденининг учала даражаси билан мукофотланган шахслар. Фашист концлагерларининг собиқ воғга етмаган маҳбуслари, Ленинград шаҳри қамали даврида ишлаган фуқаролар, қўриш қобилияти бўйича I гуруҳ ногиронлари, Чернобыль ҳалокати оқибатида жабрланган фуқаролар, ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар	45
5.	1941 – 1945 йиллардаги урушнинг меҳнат фронти қатнашчилари	25

Имтиёзли асосда ер олишингиз мумкин

«Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарори (*ПҚ-4700-сон, 01.05.2020 й.*) қабул қилинди.

Қарор билан фойдаланишдан чиқиб кетган ва ер ости сув захираси мавжуд бўлган ерларни фойдаланишга киритиш ва уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун аҳолига имтиёзли шартларда ажратиб бериш тартиби белгиланди. Унга кўра, туман ҳокимлиги фойдаланишга киритилган ер майдонларини:

- дехқончилик соҳасида билим ва кўникамага эга бўлган, биринчи навбатда ижтимоий химояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга 1 гектаргача дехқон хўжалиги юритиш учун, истисно тариқасида, 10 йилгача муддатга ижарага беради;
- тажриба синов тариқасида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига барча харажатларни олдиндан тўлаш шarti билан 5 гектаргача бўлган ер майдонларини 10 йилгача муддатга ижара ҳуқуқини электрон аукцион асосида сотади.

Ажратилган ер майдонларида сув тежовчи технологиялар қўлланади ва устувор равишда сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва мойли экинлар экилади ва боғ, тоқзорлар барпо этилади.

Ердан фойдаланиш давомида белгиланган экин турларини экиб, иш ўринларини яратган, ижара харажатларини ўз вақтида қоплаган тадбиркорларга ердан фойдаланиш муддатини узайтиришда устуворлик ҳуқуқи берилади.

Ушбу қарор доирасида бериладиган ер майдонларида енгил конструкцияли дала шийпон ва сугориш иншоотларини жойлаштиришга руҳсат берилади, бошқа турдаги, шу жумладан турар жой, бино ва иншоотлар қуриш қатъиян ман қилинади.

Шунингдек, қарорга кўра, қишлоқ хўжалиги кооперацияларида иштирок этадиган, ижтимоий химояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар тоифасига кирувчи ҳар бир оила парранда боққан даври (*40 кун*) учун Жамоат ишлари жамғармасидан қўшимча 500 минг сўмдан рағбатлантирилади.



« Адир ёнбағрида толчўплардан маташтириб қурилган қўтон. Қўтондан йигирма қадамча нарида худди шу тахлит тикланган омонат чайла. Чайла бўсағасида тошўчоқ. Ўн-ўн бир ёшлардаги набира ўчоқ остига қаланган курук ўтин остига гугурт чақади, сўнг тутай бошлаган ўтинни «пуф-пуф» лаганча ўт олдириб, устига сув тўла кумғонни ўрнаштиради. Чайла тўрида тўшалган пўстакда эса олачипор соқоли кўксини ёпган, олтмиш беш-етмиш ёшлардаги, икки юзи қип-қизил, елкалари кенг, гуппи чопон кийиб, бошига кўк дастпечли катта салла ўраб олган чўпон ўтирибди. Тонг юлдузи чиққандан бери адр кезиб, пишиб етилган кузги гиёҳларни тергилаган, қорниларини бевармон тўйғазган сурувни эндигина қўтонга қамашган бобо-набира, афтидан, нонуштага ҳозирлик қуришади.

Чўпон ёнидаги жунхуржундан уч дасхирлик сопол хумчани чиқаради-да, оғзидаги латта тиқинни олиб, ичини пичоғи билан қовлай бошлайди. Кейин тиззалари остида солинган дастурхондаги тобокларга қоқнон бўлакларидан солади, устига икки бош пиёзни тўғраб, бир чимдимдан туз сепгач, ҳалиги хумча оғзини навбати билан ҳар икки тобок устига пешлаб силкитади. Косалар ичига ўз ёғ-думбасига қовурилган уч-тўрт бўлакдан гўшт тушади. Бобо ўз тобоғига тушган гўшдан икки бўлагини қолдириб, қолган бўлакларни набирасига аталган тобокка солади. Қилган ишдан кониккач, хум оғзини обдон бекитади. Сўнг пўстакка ёнбош тушганча набирасининг кумғон келтиришини кута бошлайди. Кўп ўтмай, эски латта билан «боз-боз»лаб турган кумғон бандидан тутган набира кўринади. Қайноқ сувни дастлаб бобосининг, сўнг ўзининг тобоғига қуяди. Кумғонни чайланинг пўстак ёпмаган яланг жойига қўйиб, дастурхонга ўтиради. Шу тарика чўпоннинг шоҳона нонуштаси — «Қорачой» тайёр бўлади. Бобо-ю набира индамасдан овқатланишга тушишади.

Бобо набираси ёшидан чўпонлик қилади. Қишин-ёзин сурув кетидан қолмайди. Қишлоққа фақат соч-соқол олдириш, ҳаммом қилиш учунгина тушади.

Қўтонда гўж бўлиб ётган кўй суруви бегонаники эмас, чўпоннинг ўзиники. Бир пайтлар отаси иков кўй хайдаган кезларда сурувлари саногини билишмасди. Ҳафта оралатиб бир кўй сўйишар, сўнг гўштини ўз ёғига қовириб, ҳозиргидан икки-уч баробар каттароқ хумга босишарди. Нонуштага ҳам ҳозиргидек икки-уч бўлак эмас, кўнгиллари тусанганча гўшт солишарди. Шундан бўлса керак, чўпоннинг илиги тўк. Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демайди. Юргани дала-адор, егани гўшт-мой. Ҳозир ҳам сурув саногининг юз йигирмага тушиб қолганига қараб ўтирмайди. Ҳар ой бир семиз кўйни бўғизлайди. «Есанг — ярайсан», дегич ота йўригини маҳкам тутайди. Кунда икки бор овқатланади: нонушта-ю кечки таом. Эсини танибдики, нонуштаси «Қорачой»сиз ўтмайди. Кечки овқати эса «Кўмма нон»-у товада қиздирилган гўшт. Чўпон умри бино бўлиб чой ичмаган. Ҳатто қаҳратон кишида ҳам овқатдан бир-бир ярим соат ўтказиб, тўйгунча муздек сув ичади. Бу ҳам чўпонга отамдек одат. Тонг сахар туриб, қўйларни ёйиш олдида таҳорат

«Уч ҳафта бурун икки бўз бола оға-ини тош қўпорамадан деб ўра остида қолди. Қовлаб олганларида кичиги ўлган, каттасининг жони ҳалқумида экан. Қасалхонага етмай, у ҳам жон берди. Икки ўғилдан бирдек айрилган онанинг дод-фарёдида бутун қишлоқ йиғлади. Бири ўн етти, бири йигирмадан экан, бечоралар».

«Уруш йиллари бу халқ ўлимтик еган, кунжара еган, илон, қалтакесак, тошбақа ҳам улардан омон қолмаган. Аммо икки нарсада ноинсофлик қилишмаган: иморати нураб кетса ҳам тоғ тошига тегмаган, бировнинг молига кўз тикмаган».

гарангликка солади. Раҳматли отаси айтгич эди: «Синамаган отнинг сиртидан ўтма!» Адир аро изғигич, чўпон кўшига келиб-кетгич мардумнинг нияти не, бир Худо, бир келгичнинг ўзи билади. Одамзотнинг тили ҳам, юз-кўзи ҳам алдамчи бўлади. Очқ кўз, бийрон

чиқавермагач, чўпоннинг айтганларини маъқуллаганнамо гап сўкади:

— Нимасини айтасиз, бобо! Уч ҳафта бурун икки бўз бола оға-ини тош қўпорамадан деб ўра остида қолди. Қовлаб олганларида кичиги ўлган, каттасининг жони ҳалқумида экан. Қасалхонага етмай, у ҳам жон берди. Икки ўғилдан бирдек айрилган онанинг дод-фарёдида бутун қишлоқ йиғлади. Бири ўн етти, бири йигирмадан экан, бечоралар.

— Кўргулик. Ишорат. — Ўсиқ қошларини кўтариб суҳбатдошига қарайди чўпон. — Шу ҳам одамларга сабоқ бўлмадимми-а? — дея бош чайқайди хумчадан тобокка гўшт ағдараётди. Набира эса иккита сопол пиёла келтириб, обжўш қуяди. Пиёлалардан бирини мўйловга, иккинчисини шеригига узатади. Меҳмонлар манзират ҳам кутмай, тобокдаги серёг гўшларни иштаха билан туширишади. Пахлавон келганидан бери илк бор оғиз очади. Унинг овози ажобтовур ингичка, хатто заифалар товушини эслатиши билан чол-набирани хайратга солади.

— Ҳозир инсоф дейдиган замон эмас...

— Замон жойида турибди. Унга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Гап одамларда. — Чўпоннинг ўктам овози пахлавонни тил тишлашга мажбур қилади. Мўйлов гап қаловини ўзи томон ростлайди.

— Майли, инсофини ўзларига берсин. Энди бир дуо қилинг, бобо. Биз ҳам турайлик. Машинанинг радиатри қайнаб кетди. Бир челақ сув керак эди.

Дуо қилиб, юзига фотиҳа торган чўпон набирасига қараб дейди:

— Булар қудук қайдалигини билишмас. Эшагингни мин-да, акаларингга икки кўза сув келтириб бер. Йўловчига сув берган савоб, тур, болам.

Болага қўшилиб икки йўловчи ҳам ташқари чиқшади. Набиранинг эшагини «хих-хих»лаб йўлга тушгани эшитилади. Орадан бир пиёла чой ичгулик вақт ўтмай, чайла ичида кўзларини юмиб мудраётган чўпон қулоғи мўйловнинг йўғон овозини илғайди. Чамаси меҳмонлар қўтон атрофида қуймаланиб гап сотишайтган эди.

— Бу қўйларни семизлигини қара. Эски чўпон-да, қўйга қарашни билади. Юздан ошқ келади-ёв.

Мўйловнинг йўғон овозига заифона товуш ҳам қўпилади.

— Ҳа, юздан кўп. Ҳаммаси ўзиникимикан ёки чакана боқармикан?

— Қалланг жойидами?! Чакана боқадиган чўпон хумча тўлдириб гўшт ейдими? Ўзиники. — Йўғон овоз бир нафас тин олиб қўшимча қилади: — Бу бобой битиб кетган бойга ўхшайди. Қўйни тўла қизиқдан бўлса ҳам ажаб эмас.

«Қурук қошиқ оғиз йиртар», деган. Гапни қўйгину шу қўтондан бир қўчқорни қандай қилиб кетишни ўйла, бача. — Заифона овоз мудраб ўтирган чўпонни сергақ тортиради. Йўғон овоз шеригини узиб олади.

— Жасаднинг хўкизча бўлса ҳам, қийча ақлинг йўқ. Энди бир қўчқорни деб аристон бўлишимиз қолувди. Отам айтарди: «Ўғирлик қилсанг, майда-

Чўпон



олади, бомдодни ўқигандан кейинги бир одатини ҳам сира қанда қилмайди. Тоғлик асалчи ошнаси керагича етказиб турадиган гулчангдан бир отимини кафтига олиб, тил тағига ташлайди. Ўн-ўн беш дақиқада эриб битадиган гулчанг, ошнасининг айтишича, минг бир дардга даво эмиш.

Отасидан унга яна бир чўпонтаёқ, бир қўшоғиз милтик, бир дўмбира ҳам мерос қолган. Чўпон милтиги ва таёғини ҳеч қимга ишонмайди. Ҳамма жойда, хатто хожатга ҳам ўзи билан олиб боради. «Яроғ — чўл-адирда йигитнинг йўлдоши эмиш». Дўмбирани отасига тақлим қилиб яхши чертса ҳам, жиравликда нўноқроқ...

Гуриллаган машина товуши чайла яқинига келиб тинди. Тобоғини эндигина яримлапган бола даст турди-да ташқари отилди. Негаки уларнинг бундай осуда, бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш ҳаёт тарзлари ойда-йилда бир бузилмаса, бу қимсасиз адирга келадиган тирик жоннинг ўзи йўқ хисоб.

Ташқаридан боланинг қувноқ овози эшитилди:

— Бобо, иккита шопир амаки келишибди, сув сўрашяпти!

— А!?! — бобо отасидан олган яна бир сабоқни эслайди. Ўзини

қулоқка сир бермайди. Невара ҳам бобо сабоғини хўб эгаллаган. Илмоқни дарров фаҳмлайди. Югуриб чайлага қиради-да, икки қўлини бобосининг ўнг қулоғига қарнай қилиб бақиради:

— Иккита амаки сув сўраб келишибди.

Бобо чайла оғзига дориган меҳмонларга кўз тикиб, бош силкади.

— Бери келинлар, келаверинлар. — Бобо уларга ёнидан жой кўрсатади. — Йўл бўлсин? Қайдан сўраймиз?

Меҳмонлардан паканароқ, чайирдан келган, кўзлари катта-катта, қоп-қора мўйловлари оғзини қоплагани қиёфасига мос келмайдиган йўғон овозда жавоб беради:

— Биз қўшини қишлоқдан. «Қам-Аз»да тош ташиямиз. Ҳозир теварақ-атроф тоғ тошига дориган. Қим иморатига пойдевор, қим кўприкка қош, қим дарвозасига ёндори қилади. Тош қўпориб пули борларга сотадиганлари ҳам чиққан. Биз шуларнинг юқини ташиб берамиз. Тирикчилик.

Набира бобога «таржимонлик» қилади. Ролини ўринлатади.

— Одамлар шу тошгаки дориган бўлса, рўзгорнинг мазаси қочган экан. Уруш йиллари бу халқ ўлимтик еган, кунжара еган, илон, қалтакесак, тошбақа ҳам улардан омон қолмаган. Аммо икки нарсада ноинсофлик қилишмаган: иморати нураб кетса ҳам тоғ тошига тегмаган, бировнинг молига кўз тикмаган.

Мўйлов ёнида тоғдек бўлиб жим турган пахлавон шериги юзига йирик кўзларини ўйнатиб қарайди. Ундан садо

чуйдага қараб ўтирма. Ўмарганинг бир томонингни обод қилмас экан, харом тутиб қўл булмага!»

— Доно бўлсанг, айт бўлмаса. Нима қиламиз? Ўновини босамизми? Айтавер, хотинни саннашдан жоним бўғзимга келган. Ҳаммасига тайёрман.

— Бу чўпон кар-ботил бўлса ҳам айёр кўринади. Ёнидаги қўшонғизни ҳам кўрдинг. Сезиб қолса тикка отади. Катта ишга режа керак.

— Ўша режангни сўрайман-да, энағар мўйлов, — чийиллайди заифона овоз.

— Гап бундай, — ўсмоқчилайди йўғон овоз. — Ҳозир ҳеч нарса билмагандек хайр-маъзур қилиб кўнаимиз. Чўпонда шубҳа уйғотмаслик учун болага шу охиригга рейсимиз деймиз. Шу яқиндаги «Бургуттоғ» орқасига машинани кўйиб, кечаси соат иккида чўпон чайласини одам-подами, ашқол-дашқолига қўшиб, «КамАЗ» билан янчиб ташлаймиз. Кимсасиз адир. Ҳеч ким билмайди. Қарабсанки, бутун сурувни кузовга ташлаб, қўшни тумандаги мол бозорига пайдо бўлиб ўтирибмиз-да. Нима дединг, хўкиз?!
— Ўзинг сичкондек бўлсанг ҳам, аклинг филча сен баччани, — заифона овоз шеригини алқаб туриб чандиб олади.

Агрофни заиф-йўғон кулги товуши тутати. Шу орада узоқ-узоқдан сув келтириб, ўз қушандаларидан савоб умид қилган набира кўринади. Улар болани мактай-мактай «КамАЗ»

радиаторига сув қуйишади-да, мезбонлар билан хайр-хўш қилиб жўнаб кетишади.

Ўз ишидан мамнун чайлага кирган набира бобосининг дўмбира чертиб, қадим бир жангномани хиргойи қилаётгани устидан чиқади. Чўпоннинг дўмбира устига эгилган боши, кўксига сиқилиб ёйилиб кетган соқоли унга ҳамлага шайланаётган арслон қиёфасини беради. Дўмбира дукури, чўпон хиргойиси дам сайин асл жирловга дўниб боради. Жировнинг ёниқ кўзлари бир нуктага тикилган, авж пардада қуйлайди. Ҳатто қаршисида жовдираб турган набирасини ҳам сезмайди. Набиранинг ўткир нигоҳи бобонинг оқ тушган кипригига осилиб қолган ёш томчисини илғамай қолмайди. Бободан савол сўраш у ёқда турсин, чайлада қолиш-қолмаслигини билмай, бир сония тек котади-да, отилганча ташқари чиқиб кетади. Кун қайтиб, сурув хайдаладиган вақт келгунча ичкаридаги садо бир марта, унда ҳам чорак соатга, пешин намози вақтида тинади. Сўнг бобонабира сурувни ҳалиги қудукка элтиб суғоришади, кейин эса адир бўйлаб ёйиб юборишади...

Кун ботиш арафасида сурув яйловдан қайтади. Аср намозини яйловда ўқиган бобо бомдодла олган таҳорати билан шомга туради. Бу пайт набира кечки овқатни тайёрлайди. Дастурхон устида на бобо, на набирадан бирор садо чиқади. Набира чайла бурчида йиғилган ўрин-кўрпаларни бир-бир олиб, ётиш

учун жой хозирлашга киришгандагина бобо сукунатни бузиб дейди:

— Бугун очик хавода ётамиз, болам. Тўшакларни кўтон ортидаги дўнглик томонга олиб боравер.

Набира бобонинг одатдан ташқари буйруғидан хайрон қолса ҳам, лом-мим демайди. Кўрпа-тўшакларни елкалаганча айтилган жойга йўл олади. Чайлада қолган бобо аввал иккита пўстакни думалоклайди, чайла сахнига одам шаклига солиб «ёткизади», сўнгра уларнинг устига кигиз ташлайди. Ташқаридан қараган одамга чайла ичида икки одам ухлаб ётгандек кўринади. Чўпон бурчакка таялган кўшоғиз, таёк ва дўмбирани олади-да, набира кетган томонга жўнайди. Етиб бориб, набира тўшаб қўйган ўринга чўзилади. Милтикни ўнг, таёкни чап томонига қўяди. Осмондаги юлдузларни санаб ётган набиранинг бободан гап сўрашга журъати етмайди. Сал ўтмай унинг бир текисда пишилагани эшитилади. Бобо бугун чайлада бошлаган жирини кўнглида давом эттиради. Уйку ва хаёлни ёнига яқин йўлатмайди. Ҳеч гапдан беҳабар набира эса нималарнидир гапириб алаҳлайди, дам кикирлаб қулади, дам гўлдирайди, дам тўлганиб, дам тамшаниб қўяди...

Чўпон жири бўлса бир лаҳза ҳам тинмайди. Ниҳоят олис йўл зулматини ажларнинг кўзидек иккита оловли тиг ёриб чиқади, чўпон чайласи томон шитоб билан яқинлашиб келади. Чўпон жири авж нуктасига чиқади. Кўшоғиз бўғзига ўк қалади...

Чўпон тажрибали жангчидек пистирма мўлжалини аниқ олган эди. Йўл бўйлаб сурун солиб келган «КамАЗ» фаралари кўтон ортидаги одамларни ялаб-да ўтмайди.

Ўқирганча, бутун ғазаби ва залвори билан чайла устига босиб боради. Чайланинг қуруқ толчўпларини қарсиллатганча қок белида тўхтайтиди, орқа-олд юришини қилади. Кўнгли тўлмайди чоғи бир томон оёғини ерга тираб жойида гир-гир айланади. Сўнг кўтоннинг ўнгай томонига кизил кўзларини тикканча тўхтаб, қанот ёзади. Қанотлар остидан икки оёқли қўш қўланка тушади-да, кўтон томон сирғала бошлайди. Орқамакейн суринаётган икки қўланка туянинг қўш ўрқачини эслади. Шу пайт «КамАЗ» чироғидан хуркиб бир жойга гуҷ бўлган сурув орасида дам чикармай ётган кўшоғиз икки совлик орасини ёриб бош чикаради. Дастлаб бир, лаҳза ўтмай иккинчи оғзидан ўт сочади. Туя ўрқачининг аввал йириги, сўнг кичиги қулайди. Кўшоғиз шу қадар шиддат, шу қадар ғазаб билан ўт сочадики, қўланкалардан ҳатто «иҳ» деган товуш чиқмайди. Қўрқувдан пароканда бўлган сурув оралаб сургалиб кетаётган кўшоғиз излари на ҳамон беозор пишилаганча ухлаётган набира томон, на бу ердан чироқлари-да кўринмайдиган кишлок томон йўл солади. Тамом бошқа ёққа — одамлар «туман маркази» деб ном қўйган манзил томон чўзилиб кетади...

Саҳарлаб уйғонган набиранинг тийран нигоҳлари, чайла белида, хира чироқларини ҳамон кўтон сари тикиб турган «КамАЗ»ни, машинадан ўн-ўн беш кадам берида чўзилиб ётган кечаги «меҳмонлар»ни, номаълум томонга қараб янги из солган икки хира чизикни бехато илғайди...

Ҳабибуллох ХАЙДАР

«— Ҳозир инсоф дейдиган замон эмас...
— Замон жойида турибди. Унга ҳеч нарса бўлгани йўқ,
Гап одамларда».

Реклама



«ЎЗАГРОСУҒУРТА»
АКЦИЯ ДОРЛИК ЖАМИЯТИ

БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Юртимиз аҳлини 9 май —

Хотира ва қадрлаш куни муносабати

билан самимий муборакбод этади!

Диёримиз осмони мусоффо,

халқимиз ҳаёти тинч-тотув бўлсин!

Хонадонлардан тўкинлик ва

қут-барака аримасин!

БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.



UZTELECOM

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси
**ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**



*Юртимиз раънақиға муносиб хисса
кўшаётган соҳа ходимларини
7 май – Алоқачилар касб байрами
ҳамда 9 май – Хотира ва қадрлаш
кўни муносабати билан салимий
муабракбод этади!
Барча-барчага бахт-инқоб, мустақкам
саломатлик, оилаларга тинчлик-тотувлик
тилайди!*



Байрамингиз кутмуз бўлсин азиз юртдошлар!

Хизматлар лицензияланган.

**OILA
DAVRASIDA**
Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси
таҳририяти» масъулияти
чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» напријет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

**Хусниддин
БЕРДИЕВ**

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-537
ISSN 2181-6190
Адаби: 1945 нуска
Нарзи: ҳақиқатдан асосида.
Көгез бичими А-3, ҳажми 4 босма тибок.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга тоширилди: 22:00

ISSN 2181-6190



123456